

# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР

Халқаро илмий-назарий анжуман

Тошкент, 2019 йил, 9 февраль

# МУНДАРИЖА

## I. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

## I. ALISHER NAVAI'S SCIENTIFIC HERITAGE AND TEXTOLOGY


*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ.* Алишер навои и тимуриды...
*Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ.* XXI аср навоийшунослиги: методология муаммолари...
*Нусратулло ЖУМАХЎЖА.* Алишер Навоий асарлари матншунослигида маънавий хукук ва ҳуқуқий маданият масалалари...
*Aslı YURDIGÜL, Yusuf YURDIGÜL.* Türkiye akademik yazininda "Ali Şir Nevai"...
*Абдусалом АБДУҚОДИРОВ.* Комил инсон...
*Ваҳоб РАҲМОНОВ.* Матншунослик – заковат ва синчковлик илми...
*Афтондил ЭРКИНОВ, Рустам ЖАББОРОВ.* Навоий шеърлари "Султон Яъқуб сайланмаси" да...
*Исҳоқ НОСИРОВ.* Алишер Навоий асарларининг Кобул нашри хусусида...
*Саодат КУЛБАЕВА, Азиза ЯХШИЛИКОВА.* Проза Алишера Навои...
*Собиржон ТОҲИРОВ.* Аруз терминологиясига оид бир жумбоқ ҳақида...
*Ғиёсиддин ШОДМОНОВ.* "Фарҳод ва Ширин" достонининг қўлёзма манбалари тавсифи...
*Нодира СОАТОВА, Севинч ЭШОНҚУЛОВА.*
Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида фузалолар талқини...
*Ойсара МАДАЛИЕВА.* "Хазойин ул-маоний"нинг умумий алифбо тартибли нусхаси...
*Зилола НАМОЗОВА.*
Навоий лирикаси матншунослиги манбаларини даврлаштириб ўрганишга доир...
*Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ, Жалолиддин ЖЎРАЕВ.*
Ғафур Ғулом уй-музейидаги Алишер Навоийга оид манбалар ҳақида...
*Орзигул ҲАМРОЕВА.* "Хазойин ул-маоний" девонининг табдил ва нашр хусусиятлари...
*Озода ТОЖИБОЕВА.* Навоийдан илҳом олган котиблар...


## II. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

## II. ALISHER NAVAI'S LITERARY HERITAGE AND INVESTIGATIONS IN HIS BIOGRAPHY


*Нурбой ЖАББОРОВ.* Алишер Навоийнинг "Арбаъин" асарида маърифий мазмун ва бадиий шакл уйғунлиги...
*Нафас ШОДМОНОВ.* "Ҳайрат ул-аброр"нинг тўртинчи мақолати хусусида...
*Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ.* "Хамса"да ишқ ва унинг босқичлари...
*Дилнавоз ЮСУПОВА.*
Алишер Навоий арузининг тараққиёт боскичлари (шеърий девонлар мисолида)...
*Усмон ҚОБИЛОВ.* Алишер Навоий шеъриятида мазмун ва манзара уйғунлиги...
*Tanju SEYHAN.* Ali şir Nevâyî'nin eserlerinin giriş ve sonuç bölümleri üzerinden binasi...
*Оқилхон ИБРОҲИМОВ.* Ҳазрат Навоий ва мусиқа...
*Буробия РАЖАБОВА.* Навоий мулку миллат етакчиси сифатида...
*Назора БЕКОВА.* Алишер Навоий ғазалиётида асмои ҳусна талқини...
*Нодир РАМАЗОНОВ.* Алишер Навоий ижодида факрнинг бадиий талкинига доир...
*Аҳаджон МУҲАММАДИЕВ.* "Маҳбуб ул-қулуб"да инсоний фазилатлар тараннуми...
*Asil ŞENGÜN.* Türkçenin ses bayraği: Ali Şir Nevai...

*Абдумурод ТИЛАВОВ.* Алишер Навоийнинг форсий ҳикматлари
*Зуҳра МАМАДАЛИЕВА.* Искандар образи талқини: ирфон ва орифлик
*Тозагул МАТЁҚУБОВА.* “Мажолис ун-нафоис”да хоразмлик ижодкорлар васфи
*Обиджон КАРИМОВ, Манзура АБДУЛЛАЕВА.* “Ҳайратул-аброр”да қуёш тимсоли
*Гулноза ОДИЛОВА.* Алишер Навоийнинг
“Бадоеъ-ул васат” девонидаги ғазалларда “шакар” глюттониминнинг услубий таҳлили
*Ободон АДИЗОВА.* “Хамса” тадқиқига биографик ёндашув
*Светлана АПЫШЕВА.* Алишер Наваи – жизнь и поэзия
*Умида РАСУЛОВА.* Навоий ижодида умуминсоний ғоялар талқини
*Алишер РАЗЗОҚОВ.* Навоий ғазалларида лафз ва ирфоний маъно муносабати
*Обидахон ФАЙЗУЛЛАЕВА.*“Лисон ут-тайр” достонида ҳаққа етишиш босқичлари
*Музаффар МАМАТҚУЛОВ.* Туюқ жанри имкониятлари ва шоир маҳорати
*Шерхон ҚОРАЕВ.* Абдураҳмон Жомий мажлислари ва Навоий
*Ж. ЖОЛДОШАЛИЕВА.* Творец и мастер слова XV века ... 1
*А. НАРМАНОВ.* Алишер Навоий
“Хамса”сида комил инсон тарбияси ва инсонпарварлик ғоялари ... 1
*Зилола ЭШАНОВА.* “Маснавий” композицияси ва шарҳи ... 1
*Марғуба АБДУЛЛАЕВА.* “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да кичик жанрлар талқини ... 1

## III. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ. ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

## III. THE ROLE OF ALISHER NAVAI IN THE WORLD CULTURE, PROBLEMS IN TRANSLATION OF POET'S WORKS INTO FOREIGN LANGUAGE.

*Рамиз АСКЕР.* Страницы изучения и некоторые
вопросы перевода произведений алишера навои в азербайджане ... 1
*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ.* “Алишер Навоий юбилейи комитети” (1938) фаолиятига доир ... 2
*Дания ЗАГИДУЛЛИНА.* Наследие Навои
как один из источников литературоведческих знаний у татар ... 2
*Бегам КАРАЕВА.* Красноречие поэтической мысли в узбекской классической
литературе при переводе на русский язык (на примере стихотворений Алишера Навои) ... 2
*Benedek PÉRI.* Some Thoughts On Translating Mīr ʿalī-Šīr Navāyī's
Poetry Into English. Difficulties And Suggestions ... 2
*Алмаз УЛЬВИ.* О Гение Великого Узбекского Поэта Алишера Навои ... 2
*Т. АЛЫБАЕВА.* Алишер Навои как просветитель тюркского народа ... 2
*Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА.* Алишер Навоий форсий ижодининг ўрганиш истиқболлари ... 2
*Доктор Шаҳид ТАСЛИМ.* Ҳиндистонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши ... 2

## IV. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

## IV. ALISHER NAVAI'S WORK AND MODERN EDUCATION

*Боқижон ТЎХЛИЕВ.* Ғазал ва уни таҳлил қилиш методикаси ... 23
*Сааткан НАРКУЛОВА.*
Воспитательное значение афоризмов и цитаты в произведениях Алишера Навои ... 24
*Башорат ЖАМИЛОВА.* Навоий даҳосини англаш ва уни таълим муассасаларида
ўқитишни тизимлаштириш муаммолари ... 24
*Н.К.КАЛЕНДЕРОВА.* Взгляды Алишера Навои в воспитании подрастающего поколения ... 25
*Шоира АХМЕДОВА.* Алишер Навоий
ҳаёти ва ижодини 5-синфда ўрганишда мотивациянинг ўрни ва аҳамияти ... 25

## V. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

## V. LITERARY IMPACT, LITERATURE STUDIES AND ART


*Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ.* Хусрав Деҳлавий ва
Алишер Навоий ижодида комиллик фазилатлари.......... 257
*Қосимжон СОДИҚОВ.* “Қутадғу билиг”да кечган туркий басмала ва Навоий ижоди.......... 259
*Зоҳид ИСЛОМОВ.* Ўзбек навоийшунослигининг буюк дарғаси.......... 262
*Ahmet Karaman.* Ali şir nevâî’nin on iki mukam’daki şiirleri üzerine.......... 263
*Иқболой АДИЗОВА.* Ижодий мактаб сабоқлари.......... 269
*Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА.* Навоийшунос олима.......... 271
*Акрам ДЕҲҚОНОВ.* Муҳаййир шеъриятида Алишер Навоий Анъаналари.......... 274
*Абдулла УЛУҒОВ.* Шайхзода – навоийшунос.......... 277
*Фарида КАРИМОВА.* Фузулий форсча девони дебочасининг навоиёна
мазмун-мундарижаси ва адабий-эстетик хусусиятлари.......... 282
*Улуғбек ҲАМДАМОВ.* Навоий ва Шевченко: ҳаёт ва ижодларидаги муштарак жиҳатлар хусусида.......... 285
*Муҳаммад ЯҚУБ ҚАРАШ.* Алишер Навоий ва Амир Хусрав Деҳлавий.......... 287
*Гулбаҳор АШУРОВА.* Навоий образи ва эстетик мезонларнинг янгиланиши.......... 290
*Бадия МУҲИДДИНОВА.* Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий хамсаларининг иккинчи
достонларида Ширин тимсоли тасвирида ғоявий-бадиий маҳорат масалалари.......... 294
*Қўлдош ПАРДАЕВ.* Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни.......... 298
*Гульжигит СОРОНКУЛОВ. Гульжан АБЫКАНОВА.* Алишер Навои, а не Гафиз.......... 301
*Турсунжон КАРИМОВА. Равшан УСАНОВ, Саиджон ҚОРИХОНОВ.* Алишер навоий ижодидаги
улуғвор дўстликнинг якин кўшни давлатлар матбуотида инъикос этиш масалалари.......... 305
*Шаҳноза КАРИМОВА.* Алишер Навоий ижодининг усмонли адабиётига таъсири.......... 309
*Умедулло МАҲМУДОВ.* Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Марворид.......... 312
*Шаҳло ҲОЖИЕВА.*Навоийона тимсолларнинг Чўлпон шеъриятидаги синтези.......... 315
*Элмурод НАСРУЛЛАЕВ.* ХХ аср шеъриятида Навоий сиймоси талқини.......... 319
*Розия ХАБОХУНОВА.* Академик Азиз Қаюмовнинг “Хамса” тадқиқига ёндашув мезонлари.......... 324


## VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

## VI. ALISHER NAVAI’S WORK AND LINGUISTICS.


*Зулхумор ХОЛМАНОВА, Наргиза БЕКМУҲАМЕДОВА.*
Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари.......... 327
*Гульзада СТАНАЛИЕВА, Усманалы ТУЛАНОВ.*
Алишер Навои и проблемы развития тюркских языков.......... 330
*Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ.* Алишер Навоий асарлари тилида
сингармонизм ҳодисасининг бузилиши ҳақидаги фикрлар ва уларнинг илдизлари хусусида.......... 334
*Эржан ЎМИРБАЕВ, Элмира АДИЛБЕКОВА.*
“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг аҳамияти ва асардаги парча сўзлар.......... 339
*Алишер АХРОРОВ.* Алишер Навоийнинг мақол ва афоризмлари хусусида.......... 343
*Носиржон УЛУҚОВ, Камола ҲАМИДОВА.*
Алишер Навоий асарларида топонимик вариантдорлик.......... 347
*С.М. ЮБУРОВА.* Языковое мастерство Алишера Навои.......... 350
*Акмалхон АКМАЛХОНОВ.* Ибн Абу Бакр Саккокий ва
Алишер Навоийнинг арабча феъл боби ҳақидаги қарашлари.......... 354
*Таваккал ЧОРИЕВ.* Жомий ва Навоий лирикасида
“ҳусн” ва “зебо” лексемаларининг луғавий-услубий жилолари.......... 357
*Аманулла МУРАТКУЛОВ.* Алишер Навоий асарларида араб ва форс сўзларининг қўлланиши.......... 361

*Маҳмуд РАВШАНОВ.* Алишер Навоий ижодиётида
илмий тилшуносликнинг назарий муаммоларини тавсиф этилиши........ 365

## ТЕЗИСЛАР

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

*АБДУЛЛАЕВ Муҳаммаджон.* Навоийга замондош хаттотлар........ 368
*АБДУМАННАПОВА Шоҳсанам.* Алишер Навоийнинг
“Лайли ва Мажнун” достонида қофия ва мазмун уйғунлиги........ 370
*АБДУҚОДИРОВА Мадина.* “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Сўз Латофати”........ 372
*АБДУЛЛАЕВ Р., ИКРОМОВ И.* Қўқон хонлигида Алишер Навоий асарларига муносабат........ 374
*АБДУРАЗЗОҚОВА Шоира.* “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да тарихий воқеликни тасвирлаш тамойили.. 376
*АБДУЛЛАЕВА Дилдорахон.* Икки ҳикоятнинг муштарак моҳияти........ 377
*АБДУЛЛАЕВА Ноила.* «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Одам алайҳиссалом образи........ 379
*АБДУРАҲМОНОВА Б., СОЛИЕВА О.* Навоийга мухаммас........ 381
*АБДУХАКИМОВА Юлдуз.* Алишер Наваи и Мухаммад Фузули: аналогия портрета Лейли........ 383
*АБДИСАЛОМОВА Ш., АБДУРАҲМОНОВА М.* Навоий ва замонамиз........ 385
*АВАЗНАЗАРОВ Одилжон.* “Садди Искандарий”да туш мотивининг ўрни........ *387*
*АЛИМУХАМЕДОВ Рихситилла.* Талабаларга Навоий меросини ўқитиш масалалари........ 390
*АМОНОВ Шермуҳаммад.* Навоий ва Табибий: ижодий муштараклик........ 392
*АМОНОВА Зилола.* Алишер Навоий ижодида Мансур Ҳалложга муносабат........ 394
*АРСЛОНОВ Абдимурод.* Икки тилда яратилган бир
мавзудаги достонларда шакл ва мазмун уйғунлиги........ 396
*АҲМЕДОВ Ҳошимжон.* Адабий таълимда
Алишер Навоий ҳасби ҳолини ўрганишнинг айрим жиҳатлари ҳақида........ 399
*БАҲРИДДИНОВА Дилдора* Ойбекнинг “Навоий” достони хусусида........ 401
*БОЗОРОВА С., БОЗОРОВА И.* “Маҳбуб ул-қулуб”даги айрим ҳикматлар талқини........ 402
*БОЗОРОВА МУСЛИМА.* “Насойим ул-муҳаббат”да тасаввуф зикри........ 404
*BUMATOVA Aidakhon.* The pecularities of translating ghasal stanas into english language........ *405*
*ДАВРОНОВА Шоҳсанам.* “Озод” романи ва Алишер Навоий анъаналари........ 410
*ЭРКИНОВ Афтондил.* Алишер Навоий қўлёзмалари каталогини яратишнинг
Туркия тажрибасидан........ 411
*ЎРАЕВА Дармоной.* Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида
Мажнун навҳалари бадиияти........ 413
*ЖАББОРОВА Матлуба.* “Хамса” достонларида Жамшид образи........ 414
*ЖАББОРОВА Азиза.* Навоийнинг орифона мулоҳазалари........ 416
*ЖАЛИЛОВ Ж.,БАЙМАТОВА Ф.* Мир образов в поэме «Фархад и Ширин»........ 418
*ЖУМАЕВ Анвар.* Навоийнинг одил шоҳ ахлоқига муносабати........ 422
*ЖЎРАЕВА Гулноза.* Кичик мактаб ёшидаги болаларга
Алишер Навоий ижодини ўргатиш усуллари........ 424
*ЖУМАЕВА К.* Алишер Навоий ва Ширвони Хоқоний қасидалари тахлили........ 426
*ЖУМАНИЯЗОВА Динара.* Навоий ижодида ишора санъати........ 428
*ЗАРИПОВА Дилфуза.* “Агар огоҳсен, сен-шоҳсен…”........ 429
*ИСМОИЛОВ Илёс.* Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида
Искандар васиятининг талқини........ 431
*КАРИМОВА Нафиса.* “Насойим ул-муҳаббат ” асарида туш мавзуси........ 432
*KÜÇÜKMENMETOĞLU Ömer.* Türk Dil kurumu dergilerinde Alişir Nevâyî........ 433
*КЕЛДИЁРОВ А., МУРОДИЛЛАЕВА З.* Алишер Навоий ғазалларининг
вазни кўрсаткичли дастурини яратиш масалалари........ 436
*МУХАМЕДЖАНОВА В.А.* Наваи о прогрессивных тенденциях в истории человечества........ 437

*МАХАММАДИЕВА Юлдуз.* Навоий ва Феруз.......... 438
*МАДИРИМОВА Соҳиба.* Мутриб ижодида Навоий анъаналари.......... 440
*МАНСУРОВА Малика.* “ Ишқ ичра жунун анинг сифоти…”.......... 441
*МУРТАЗОЕВ Бобоназар.* “Насойим ул-муҳаббат” ва “Нафаҳот ул-унс” қиёсига доир.......... 443
*МУҲАММАДИЕВА Дилафруз.* Навоий ва Бобур ижодининг Туркияда ўрганилиши.......... 444
*МАЛИКОВА Ситора.* Алишер Навоий чистон устаси.......... 445
*НОРҚУЛОВА Шахноза* Алишер Навоий талқинида адаб.......... 447
*НИЗОМОВ Фарҳод.* “Сабъаи сайёр” достонида қахрамонлар руҳиятининг рақамларда акс этиши... 449
*ПРИМОВ А., ХУДОЙҚУЛОВА Ш.* Халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи.......... 451
*РАҲИМОВА Гулбаҳор.* Субҳи саодат узра давлат шомидур.......... 454
*РАҲИМОВ Комилжон.* Бухорода битилган тасаввуфга оид назарий манбанинг «Насойим ул-муҳаббат»га таъсири.......... 456
*РАЖАБОВ Фахриддин.* Алишер Навоий адабий меросининг “Ғаройибат” асари бадииятини шаклланишидаги ўрни.......... 458
*РАХМОНОВА Шаҳноза.* Чустийнинг Навоийга боғлаган тахмиси.......... 460
*РУЗМЕТОВ Шаҳзодбек.* Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъаи сайёр” достонларида Абдураҳмон Жомий таърифининг қиёсий таҳлили.......... 462
*САРИБОЕВА Мақсуда.* Буюк сўз соҳири.......... 464
*СУЛАЙМАНОВА Лола.* А.С.Пушкин и А.Навои.......... 466
*САФАРОВА Ҳ., РАЖАБОВА М.* Навоий ва Фурқат.......... 467
*ТИЛЛАЕВА Гулсанам* Алишер Навоий асарларида илм-фанни улуғлаш.......... 470
*ТЎРАЕВА Дилноза.* Тарихий романларда Алишер Навоий образининг бадиий талқини.......... 471
*ТЎХТАМУРОДОВ Фурқат.* “Хамса” образлари Мухсиний талқинида.......... 473
*УМАРОВ Сардорбек.* Фаррух ва Ахий ҳикоятида футувват талқини.......... 475
*ФАЙЗУЛЛАЕВА Севара. АЗИМОВА Гулбаҳор.* Шоҳ ва дарвеш ҳикмати.......... 478
*ХЎЖАЕВ Тоҳир.* Навоий ғазалларида дунё ва олам ҳақидаги қарашлар талқини.......... 479
*ХОЛДОРОВ Дилмурод.* Навоий анъаналари барҳаёт.......... 481
*ХОЛИЁРОВ Мурод.* Алишер Навоий ва мусиқа санъати.......... 483
*ХУДАЙБЕРДИЕВ Акрам.* Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида эзотерик воқеликка интилиш комилликка эришишнинг шарти сифатида.......... 484
*ЧОРИЕВА Муротой.* Ҳазрат Навоий қитъаларига баъзи шарҳлар.......... 486
*ШОДИЕВ Одилжон.* Комил инсон гоясининг Мажнун образидаги акси.......... 478
*ШОКИРОВА Дилбархон.* Алишер Навоий асарларини умумий ўрта таълимда ўқитиш муаммолари..490
*ШАРИПОВА Лайло.* Алишер Навоий ғазалиётида оддий фолклоризм.......... 492
*ЮСУБОВА Умида.* Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати.......... 493
*ЮЛДАШЕВА Гуландом.* Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди канадалик олима Мариа Эва Субтелни нигоҳида.......... 495
*ҚОДИРОВА Насима.* “Хамса” – маҳобатли тоғ (Навоийшунос олим талқинлари).......... 498
*ҚАЮМБЕРДИЕВА Нуржаҳон.* “Бадое ул-бидоя” девонидаги фардлар бадиияти.......... 500
*ҚОРАЕВ Шерхон.* Мирзо Улуғбек адабий мажлислари.......... 501
*ҚУВВАТОВА Д., СОҲИБОВА З.* Алишер Навоий ғазалларида баҳор ва куз фаслларининг рамзий-тимсолий талқини.......... 503
*ҒИЁСОВА Ҳилола.* “Назм ул-жавоҳир”нинг яратилиш тарихи, ўрганилиши.......... 505
*ҲАКИМЖОНОВА Раъно.* Навоий ижодида етакчи мотив.......... 506
*ҲАЙИТОВ Шавкат.* Тариқат мақоми талқинида ояти кариманинг ўрни.......... 509
*ХАМИДОВА Моҳинур.* Кичик жанрда катта маҳорат.......... 511
*ҲОЖИЕВА Г, НАЙИМОВА М.* Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида мусиқага муносабат масаласи.......... 513

*Эйки, бу гавҳарға тиларсен макон,*
*Билки, анинг кони эрур тобакон.*

Бундан англашиладики, агар мазкур фазилатлар билан бирга кўнгил тубида ишқ ҳам макон тутган бўлса, кейинги мақолатларда келадиган муайян мавзулардаги талаблар солик томонидан мукаммал ўзлаштирилиши ва ҳаётига татбиқ этилиши шубҳага ўрин қолдирмайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мақолат ғоявий жиҳатдан тасаввуф муҳитида комил инсон тарбияси билан боғлиқ муҳим асосларни, дунёвийлик шароитида эса баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилувчи фазилатларни ривожлантиришга доир керакли маълумотларга бойдир. Шунингдек, композицион жиҳатдан достонда ажралиб турувчи анъанавий кириш боблар ҳамда иймон ва ислом каби умумий мавзудаги мақолатлар орасида уларни бириктирувчи ҳалқа бўлиб хизмат қилади. Поэтик жиҳатдан эса мақолат Навоий ижодига хос равишда тасвир воситалари, бадиий санъатлардан унумли фойдаланиб яратилган. Унда сажъ, дарж, ташбеҳ, тазод, ташхис, талмеҳ, ирсоли масал, тасвия каби юзга яқин бадиий санъатлардан фойдаланилган. Шунингдек, шоирнинг исталган деталдан поэтик образ ярата олиш маҳорати яққол намоён бўлган. Албатта, достон таркибига кирувчи айрим қисмни алоҳида олиб ҳар тарафдан текшириш унинг умумий, тизимли ўрганилиши, таҳлил қилиниши такомилига ёрдам беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


*1. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароти-л-қудс. (Қўлёзма). Шахсий кутубхона. – Асардан олинган иқтибослар таржимаси бизга тегишли.*

*2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 6 – 304.*

*3. Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма (Генезис и эволюция). – М.: Языки славянских культур, 2009. – 552 с. (197 – 224)*

*4. Прозоров С.М. Мистическая любовь к Богу (ал-махабба) как доминирующая идея суфийского Пути (ат-тарика). – Ишрак. Ежегодник исламской философии. – М.: Восточная литература, 2014/5 – С. 249 – 267; Шу муаллиф. Пророк Мухаммад в суфийской традиции как совершенное воплощение Мистической любви к Богу // Письменные памятники Востока. № 2 (11), Осень-зима, 2009. – С. 114 – 125.*

*5. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б.*


# “ХАМСА”ДА ИШҚ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ


**Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ**
*ТошДЎТАУ*
*(Ўзбекистон)*


Ҳар қандай бадиий асарни у майдонга келган маънавий-маърифий, тарихий-концептуал, ижодий-индивидуал контекстда, айни пайтда, умумбашарий тафаккур доирасида муқоясавий планда ўрганадиган бўлсак, уларнинг таркибидаги образ ва тизим тушунчалари бир қадар шартли экани маълум бўлади. Яъни бу ўринда антик юнон адабиёти асосида шаклланган поэтика илми, унинг изчил давоми сифатида яшаб келаётган европа адабий-назарий тафаккури майдонга олиб чиққан ва бугун жаҳон халқлари учун ягона қоидага айланиб бўлаёзган жанр, композиция, сюжет, образ сингари поэтик бирликлар канонларини бошқа бир адабий-тарихий майдонларда шаклланган, мустақил эстетик ҳодисаларга нисбатан тўғридан-тўғри қўллаш қанчалик ўзини оқлайди, деган методологик саволга дуч келамиз. Гарчи, бугун биз таянадиган адабиёт назарияси фани, барча замон-маконларга оид адабий манбаларга нисбатан ягона мезон мавжуд деган тушунчани илгари сурса-да, ҳар бир бадиий ҳодисани мустақил феномен сифатида қараш эҳтиёжи (зарурати), ушбу тушунчанинг тўла маънода ўзини оқламаслигини кўрсатади.

Масалан, хитойлардаги дао, ҳиндлардаги дхарма, японлардаги циогун асосида шакл... поэтик канонлар, уларнинг негизида талқин этиладиган жанр, композиция, сюжет, образ ту... лари Европа назарий поэтика илмидаги бадиий канонлардан маълум даражада фарқ қилади. ... европа адабиётининг бир давридаги (масалан, антик давр) назарий канонлар бошқа бир да... (масалан, ўрта асрлар ёки уйғониш) назарий канонлар билан айниятда эмаслиги кузатилади[162]. ... лаймизки, бунинг ижтимоий-тарихий давр, тузум, адабий муҳит, поэтик канонлар, миллий... ижодий индивидаллик сингари қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Аммо буларнинг ... энг муҳими, уч замон ва уч макон воқелигини поэтик идроклаш усули –дунёқараш, эътиқод ... ласидир. Поэтик канонлар хилма-хиллигининг энг муҳим сабаби айнан шу, бошқа барча саб... бу ўринда биринчиликка даъво қила олмайди.

Моҳиятан, дао, дхарма, циогун сўзларидаги луғавий маъноларaро у қадар катта фарқ йўқ. ... нинг ҳар бири, ўз *а* гностик доирасига кўра, "йўл" деган маънони ифодалайди [*қаранг:* 4]. ... пайтда мазкур истилоҳлир бу йўлнинг қандай экани, қаердан бошланиб, қаерда тугаши, ... умумий ва хусусий жиҳатларини белгиловчи муҳим қоида саналади. Уларнинг эстетика, ху... поэтик компонентларни тушуниш, талқинлаш, муносабат билдириш, баҳолаш тамойилла... қоидалардан келиб чиқади. Поэтик тамойиллардаги умумийлик ва хусусийлик категориялар... айни қоидага таянади.

Худди шу нуктаи назардан Шарқ-ислом адабиёти, бу адабиёт негизида шаклланган б... компонентлар ҳам соф Шарқона критерийларга эга бўлиши табиий. Аммо совет даври на... шунослигида ушбу концептуал муаммони асл моҳиятига кўра талқин этиш имкони йўқ эди. ... сабабдан "Хамса" образлари ҳақида фикр юритилганда, асосан, уларнинг зоҳирий жиҳат... ижтимоий, бадиий, маълум даражада гуманистик моҳияти ҳақида сўз юритиларди, холос. Ке... ги даврларда (90-йиллардан эътиборан) Навоийнинг беш достонидан бири ёки ҳар бир дос... образлари алоҳида олиниб, нисбатан тасаввуфий нуктаи назарлар контекстида илгари су... талкинлар ҳам учрайди. Шунга қарамасдан, бу талқинларда ҳам "Хамса" образларини ягона ... текстда, ишқ боскичлари доирасида умумлаштириб ўрганиш муаммоси илгари сурилмаган.

"Хамса" таркибини ташкил этувчи беш достон алоҳида жанр, сюжет, композиция, ритм (... хусусиятларини намоён этиши, ундаги фабула тизими, образларнинг тарихий, ривоий, ха... асослари турли замон ва маконларга тегишли бўлса ҳам, токи ягона хронотоп майдони доир... да қаралмас экан, Навоий илгари сурмоқчи бўлган бадиий концепциянинг туб моҳиятини ан... мумкин эмас.

Хўш, шундай экан, "Хамса" образларини ягона тизим остида уйғунлаштирувчи, бир... бадиий хронотоп тармоклари сифатида намоён этувчи асос концепция нимада? Биз қайси наз... критерийга кўра "Хамса" образлари тизими, деган муаммо қўя оламиз? Агар бу тизим мавжуд б... са, қандай поэтик структурага эга ва унинг асосида нима турибди?

Биз "Хамса" марказига қўйиб талқин этаётган "ошиқ", "маъшуқа", "рақиб" образлари ада... тарихида "Хамса"дан олдин ҳам мавжуд эди. Қадим (яъни хамсачиликкача) эпос, роман, досто... қатор лирик жанрлар (масалан, элегия, қасида, ғазал, сонет, ода, рубоий ва ҳ.к.) таркибида ан... навий образлар гуруҳи ўлароқ яшаб келди. Эпос, роман, қисса сингари жанрлар бадиий стру... расида кенг эпик пландаги поэтик вазифасини аниқ-тиниқ намоён этди. Муайян тизим сифат... шаклланди. Шунингдек, айни тизм Шарқ мумтоз достончилиги, хусусан, "Хамса" образлари би... тўғридан-тўғри генетик муносабатга эга.

Кўринадики, мазкур тизимнинг пайдо бўлиши, тарихий шаклланиш босқичлари, поэтик ва... фаларини тўгри белгилаш учун "ошиқ", "маъшуқа", "рақиб" образлари генезиси хусусида му... сар тўхталиш зарурати бор. Бизнингча, шундагина ушбу тизимнинг "Хамса" бадиий хронотопи... ги ўрни ва бадиий-эстетик моҳияти майдонга чиқади.

"Ошиқ", "маъшуқа", "рақиб" учлигининг "Хамса" хронотопи томон ҳаракат траекторияси так... бан шундай: илоҳий китоблар – миф – эпос – роман – қисса – достон – "Хамса". Айни образ тизи... шакл-мазмун хусусиятига кўра "Хамса"га қадар шундай сифат ўзгаришларини босиб ўтган:

а) **илоҳий китоблар** ("Забур", "Таврот", "Инжил", Қуръони карим)да. Айни китобларда ... учлик образ башарият учун муҳим ва унинг келажак фаолиятига қаратилган муҳим ахборот ...

[162] Чунки ягона географик ҳудуд, ягона менталитет доирасидаги миллатлар ҳаётида антик даврда политеистик (кўпхудолилик), ўрта ас... уйғониш даврларида монетеистик (яккахудолик) қараш етакчилик қилганки, бу уларнинг бадиий тафаккури ва адабий манбаларида бев... ўз аксини топган ( – У.Ж.).

шаклда нозил этилди, адабий-тарихий жараёнда эса "илк сюжет", яъни асос-намуна ўлароқ яшаб кечмиши[90]. Бунга кўра, ер юзига қадам қўйган одам зоти борки, охир бир кун ўз Яратгувчисига қайтади. Бошқача айтганда, ер юзида ҳаёт кечиришдан асл мақсад Яратган жамолига муносиб тарзда яшаш. Шундагина инсон мангу саодат (Унинг висоли)га эришади. Аммо бу йўлда жиддий тўсиқлар бор. Бу тўсиқ Иблис бўлиб, унинг вазифаси инсонни асл мақсад – Яратган буюрган йўлидан чалғитиш, жамолига восил бўлиш саодатидан маҳрум этиш. Демак, илоҳий китобларда Ҳақ неъмати (жаннат, ажр-мукофот)га талабгор инсон – ошиқ, инсонни бу неъматдан баҳраманд этувчи Яратган (Оллоҳ) – маъшуқа (ёки маъшуқ), ошиқ ва маъшуқа ўртасига тўсиқ бўлишга интилувчи шайтон (Иблис) – рақиб тарзида намоён бўлади. Бу тизим мутлоқ ҳақиқат бўлиб, ҳеч қачон ўзгармайди;

б) **мифда**. Бунда сюжет ва образлар тартиби ўзгаради. Баъзан маъшуқа ўрнини рақиб эгаллаган бўлса, баъзида ошиқ назари тамомила бошқа объектларга қаратилади, рақиб эса гоҳ ҳомий, гоҳ душман сифатида талқин қилинади. Кескин ўзгариш шундаки, ошиқ ўзининг асл мақсадидан чалғийди. Унинг ҳаракатлари хаотик тус олади. Ҳар учала образ индивидуал сифатларини йўқотади, синкретлашади;

в) **эпосда**. Эпос учлиги қисман илоҳий китоблар, қисман миф таъсирида шаклланди. Замонлар ўзгариши (бу ўринда илоҳий ақидалар ҳукм сурган маърифат даврлари ва миф ҳукмрон бўлган – мифология даврлари назарда тутиляпти)га қараб, айни учлик моҳияти, шунингдек, эпос сюжет тизими ҳам турли ўзгаришларга учради. Образлар ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик жиҳатдан миллийлашди. Ошиқ – миллий қаҳрамонга, маъшуқа – миллат онасига, рақиб – миллат рақибига айланди;

г) **роман, қисса, достон жанрлари**да. Бу жанрлар доирасида "ошиқ", "маъшуқа", "рақиб" учлигини бирлаштириб турадиган ягона жиҳат айни тизимнинг умумийликдан хусусийликка, умуминсонийлик ёки миллийликдан индивидualликка томон оғишидир. Шарқ ва ғарб адабиётида улкан замон ва макон кўламини ишғол этадиган бу жанрлар илоҳий, умуминсоний, миллий муаммо (мақсад, дард, интилиш)ларни том маънода хослаштирди. Бу жанрлар доирасига кирган ошиқ – ўз жуфти талабидаги инсонни, маъшуқа – айни жуфтнинг ўзини, рақиб – жуфтлик орасига тушган бошқа бир талабгорни билдиради. Бунга мисол тариқасида "Тоҳир ва Зуҳра", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Баҳром ва Гуландом" типидаги достонларни, "Сиёвуш ва Судоба", "Юсуф ва Зулайҳо" сингари қиссаларни, "Левкиппа ва Клитафонт", "Армений ва Тусенильда", "Тристан ва Изолда" типидаги романларни кўрсатиш мумкин (бунда одамнинг маиший, моддий, жисмоний эҳтиёжлари юзага чиқади). Шу ўринда истисно ўлароқ ўз черкови ордени ва Яратган амри учун курашни байроқ қилиб олган европа рицар романлари, Худо йўлида хизмат қилувчи руҳонийлар ҳақидаги диний-мистик қиссалар, драмалар (мистериялар)ни ҳам қайд этиш жоиз;

д) **хамса** жанрида: 1) мазкур учлик универсал бадиий матн қамровини эгаллади (беш достон ягона контекстда умумлашди); 2) уларнинг эпик тасвир кўлами кенгайди (макон-замон жиҳатидан уч олам хронотопини қамраб олди); 3) концептуал нуқтаи назардан илоҳий миқёсга қайтди (аброр-одамнинг ошиқлик йўли Қуръони карим асосида шакллантирилди); 4) ошиқ – маъшуқа – рақиб ҳақидаги илоҳий ахборот бадиий планда талқин этилди, асар поэтик доирасига сингдирилди; 5) учлик образ тизимини уч мақомда, босқичма-босқич бадиий акс эттирди: авом ишқи, хавосс ишқи, сиддиқ ишқи.

Ошиқ – маъшуқа – рақиб образлар тизими ўзак-моҳиятида ишқнинг уч босқичи туриши адабиёт тарихида илк бор "Хамса" жанри мисолида конкрет тарзда ўртага қўйилди. Шу нуқтаи назардан "Хамса"даги образ тушунчаси, образлар тизими моҳиятини белгиловчи асос ишқ феномени ҳисобланади. Бир ёки бир неча образ табиати, ички семантикси, мақоми (даражаси), хусусан, хронотопик шакли ва кўламини бевосита ишқ белгилайди.

Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиёти, ислом тасаввуфий тимсоллар назариясига оид манбаларда ошиқ ишқнинг, ишқ эса ошиқнинг феноменал манбаси, қувват захираси экани қайд этилади. Ошиқ-

[90] Айни ахборот Одам ато, момо Ҳавво ва Иблис ўртасида кечган воқеа тафсилоти сифатида, ўзининг аниқ баён структураси билан, илоҳий китоблар, хусусан, Қуръони каримда нозил бўлди. Реал далиллар, рад этиб бўлмас тарихий асос, юксак бадиий шаклда (иъжоз мақомида) ҳикоя қилинди. Шунга кўра бу воқеа оят, илоҳий кўрсатма, шариат йўли, ибрат, насиҳат, яхшиликка чақириқ, ёмонликдан қайтарув бўлиши билан бир қаторда, ижодкор инсон таяниши, улги олиши, тақлид қилиши мумкин бўлган ҳикоя (бадиият шакли) ҳамдир. Ҳақиқатан, адабиётнинг илк намуналари мана шу асл манба негизида шаклланди. Йўқдан бор қилиш қудратидан маҳрум одамзот, барча ишларда бўлгани каби, ўз адабиётини кашф этишда ҳам ҳар нарсага қодир Зот (Оллоҳ)га тақлид қилди. Мана шу далилга таянган ҳолда "ошиқ", "маъшуқа", "рақиб" учлиги иштирок этадиган ушбу илоҳий воқеа тафсилоти баён этилган матнни, шартли равишда "илк сюжет" деб аташга жазм этдик. Бу ҳақдаги дастлабки илмий тадқиқотлар сифатида қаранг: Драма жанри (ёзилиш санаси 2011 йил) / Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари.-Т., 2015, 49-53-бет; Биринчи ўзбек романи – "Ўткан кунлар" (ёзилиш санаси 2014 йил) / Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари.-Т., 2015, 151-193-бет; Ишқ қисмати шу азал-абад // Тафаккур журнали, 2014, 3-сон, 54-61-бет. ( – У.Ж.).

нинг моҳияти у ҳосил этган ишқ мақоми билан белгиланади. Ошиқ атрофидаги барча шахс, нарса ва ҳодисалар у эришган мақом хронотопи доирасида мавжуд бўлади. Улар учун ошиқдан ташқари ёки ичкарида ҳеч нарса йўқ. Шунга кўра ошиқнинг маъшуқа томон йўли ҳар доим ундаги ишқ даражаси, ҳолати ва мезонлари билан ўлчанади. Ошиқ ҳаракати маъшуқа ҳаракати, ошиқ хоҳиши маъшуқа хоҳиши, ошиқ ҳолати маъшуқа ҳолатидан келиб чиқади. Шу маънода ошиқ маъшуқа су-ратининг акси, соясига ўхшайди.

Айни пайтда ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги учун синов майдони, ишқ ва ўзликни англаш жараёни илк учрашув, айрилиқ, висол хронотопларида содир бўлади. Одатда, ушбу хронотоп ши-кллари сюжет қурилишини ташкилловчи поэтик компонент (мотив)лар ҳисобланади. Аммо улар-нинг асл моҳияти сюжетдан кўра образ табиатини ёритишда аниқроқ кўринади. Аниқроғи, бадиий асар таркибидаги ҳар қандай образнинг "ҳаёт йўли" шу хронотоплар оралаб ўтади. Бу хроно-топ майдонларида синаладиган қаҳрамон ўзининг ким экани, қандай вазифа билан дунёга келган, нималарга қодирлиги ва нималарга лойиқлигини исботлайди. Умуман, "илк учрашув", "айрилиқ", "висол" хронотоплари уйғун ҳолатда фақат ошиқ-маъшуқа-рақиб ёки бош қаҳрамонни эмас, асар-даги бирбутун образлар тизимини уйғун таҳлил этиш имконини беради.

"Хамса"даги илк учрашув, айрилиқ, висол хронотоплари синтез ҳолатида бирбутун инсон образи талқинига қаратилган бўлса ҳам, уларнинг асар контекстидаги бир нечта катта-кичик ти-зимлар доирасида тутган ўрни ва муайян босқичлари бор.

Қатор мўътабар манбаларда ишқнинг мақом ва даражалари, ошиқлик босқичлари хусусида салмоқли кузатувлар, амалиёт доирасидаги хулосалар билдирилган [5, 39-48]. "Тасаввуф ист-лоҳлари шарҳи"да ишққа шундай таъриф берилган: "Ишқ – тасаввуфда ҳусни Мутлаққа бўлган шиддатли севги... Улфатдошлик туйғуси ҳар бир руҳ соҳибига хос" [3, 224-225]. Мазкур шарҳ давомидаги "Улфатдошлик туйғуси ҳар бир руҳ соҳибига хос" жумласининг далили сифатида ҳар бир инсоннинг қалби "ойнаи жаҳоннамо камолларига етишуви" хусусида қуйидаги хулосани кел-тириш мумкин: "Гумон қилмағилки, бу мартаба ва даража (фақат) пайғамбарларга хосдур. Балки ҳамма одамларнинг гавҳари асли фитратда бу давлатға лойиқ ва сазавор. Чунончи, ...-дили темирга ўхшаркйм, асли ҳақиқатда, яъни яратилишида ойнаи жаҳоннамо бўлмоқға шойиста ва лойиқдур. Магар ойнага занг ўлгуруб, ул темирни тийра (қоронғу) қилса, бу мартаба ва ...-лар анингдин кетгусидир" [1: 49].

Навоий "Хамса"сидаги аброр-одам йўли айнан шу жиҳати билан фақат хос тоифага те... эмас. У тўла маънода умумбашарий хронотоп доирасида амал қилади. Бевосита ишқ ва о... тизимни ташкил этувчи ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги ҳам "Хамса"даги образлар тизими аброр, яъни умуман "аҳд берганлар" (ал-мисоқда берилган ваъда соҳиблари) йўли эканига ... қилади. Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ишқнинг "уч қисм била мунқасим бўлиши" (уч қисмга бўлиниши) бу ҳақиқатни яна бир бор таъкидлайди.

Навоийнинг қайд этишича: "Аввалғи қисм – авом ишқидурким, авом ун-нос орасида бу ... ва шоеъдурким, дерлар: "Фалон фалонға ошиқ бўлибтур". Ва бу навъ киши ҳар навъ киши... са бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисм... бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ. Ва пастроқ мар-басида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки, зикри тарки ... ва баёни беҳижобликқа сабаб. Иккинчи қисм хавосс ишқидурким, хавосс ул ишққа мансубдур. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин ... ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ. ... чи қисм – сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиёти жамолиға мазоҳир воситаси ... вола ва мағлубдурлар. Ва ул мушоҳада беҳудлиғида алардин шуур, алардин маслуб. Шу... истиғроққа етган ва ул истиғроқдин истиҳлоқ мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели ... шани авроқин учурса, аларга андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса ... андин асар йўқ. Ҳаввослари нокор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавқлари ном... ҳужуми ғалаботидин... Васл бодасидин ўзга руҳларига ком йўқ ва Ҳақ мушоҳадасидин ўзга ... ларига ором йўқ. Булардур ишқда васлдин ком топқон ва "инда маликин муқтадирин"[164] ... ором топқон..." [2, 67-70].

[164] Маъноси: "Қудратли Подшоҳ ҳузуридадирлар". Қамар сураси, 55-оят (У.Ж.).

[illegible] муайян нуқталарда юқорида келтирилган уч манба талқинлари билан кесишсада, "Хамса"даги ошиқ – маъшуқа – рақиб тизими ва бу тизимнинг бир бутун жанр хронотопида универсаллиги айнан "Маҳбуб ул-кулуб" таснифидан келиб чиқади. Ҳатто муаллифнинг ўзи хавосс таърифида бевосита "Хамса" қаҳрамонларига ҳавола, қилб шундай сатрларни ёзади: "Иноди шинида тенг ҳам подшоҳ, ҳам гадо. Бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо. Ошиқ кўнглига маъшук ҳавосин солғучи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳавосин олғувчи ҳам ул. Ва ошиқ мундоқ балонинг гирфтори ва мундоқ офатнинг беихтиёри...

Ишқ кўҳистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳоддур ва саҳройи жунун забунларидин бири Мажнундур..." [2, 66]

Буларнинг барчаси бизни Навоий "Хамса"сидаги ишқ босқичлари ҳақида шундай концептуал хулосаларга олиб келади:

1. Навоий "Хамса"сидаги ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги ўзаро мустаҳкам семантик-структурал муносабатга эга. Айни муносабатлар тизими ишқ босқичларининг тидрижий йўсини ўлароқ бир-бирини тўлдиради, "Хамса"га хос универсал бадиий концепцияни ифодалайди.

2. Навоий "Хамса"сидаги ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги ва ундаги ишқ босқичларини "Маҳбуб ул-қулуб" таснифига кўра ўрганиш икки жиҳатдан муҳим: а) Шарқ-ислом адабиёти, унинг таркибида майдонга келган бадиий образларга муаллифнинг эстетик позициясига кўра, яъни автоинтерпретацион усулда ёндашилгандагина тадқиқот кутилган натижани беради; б) Навоий қайд этган ишқ босқичлари билан "Хамса"даги ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги аро поэтик муносабатнинг тўғри белгиланиши "Хамса" образлар тизими хусусида методологик жиҳатдан муҳим ҳамда [illegible] хулосаларни илгари суришимзга олиб келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. *Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат (Руҳ ҳақиқати). Нашрга тайёрловчилар: Маҳкам Маҳмуд, Абдуллоҳ Умар. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2005.*
2. *Алишер Навоий. МАТ. Ўн тўртинчи том. Маҳбуб ул-қулуб. Муншоат. Вақфия. – Тошкент: Фан, 1998.*
3. *Тасаввуф истилоҳлари шарҳи / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.*
4. *Философский словарь. Под редакцией И.Т.Фролова. Издание пятое. – Москва: Издательство политической литературы, 1987.*
5. *Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.*


# АЛИШЕР НАВОИЙ АРУЗИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ШЕЪРИЙ ДЕВОНЛАР МИСОЛИДА)


**Дилнавоз ЮСУПОВА**
*ТошДЎТАУ*
*(Ўзбекистон)*


Аруз шеър тизими Шарқ халқлари шеъриятининг асосий шеърий ўлчови сифатида минг йиллардан бери туркий шеъриятимизда кенг қўлланилиб келаётган шеърий вазнлардан биридир. Унинг шеъриятимизга кириб келиши ва мустаҳкам ўрин олиши тасодифий бўлмай, исломдан олдинги шеърий меросимизда ҳам мисралардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар ўртасида муайян мутаносиблик мавжуд бўлган. Олимларимизнинг аниқлашларича, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан ўрин олган 224 шеърий парча арузадаги – *V – –*, *V – V –* , *– V V –*, *V V – –*, *V – – –*, *– V –*, *V – –* туроқларига мос келувчи ўлчовда яратилган [1,10]. Кузатувларга кўра, туркий халқлар илк бор аруз тизимида қалам тебрата бошлаганларида бармоқ вазн тизимига яқин турувчи вазнлардан фойдаланганлар. Аруз муомалага кирган илк даврларда ёзилган Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" асари "Шоҳнома" вазнида, яъни мутақориб баҳрида ёзилган. Юсуф Хос Хожибнинг айнан

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. *Айбек М. Т., Дейч А. Мир идей Алишера Наваи./В книге: Великий узбекский поэт. –Т.: АН УзССР, 1948.*

2. *Взаимосвязи киргизской литературы с литературами зарубежных стран/ Сб. ... КРУ. – Фрунзе, 1980.*

3. *Рахимов Ж. Жанр автобиографии (хасби Холл) в «Пятирице» Алишера Наваи. –Т., ...*

4. *Сатимов Умирбек. Исследование жизни и творчества Алишера Наваи в западно-... ском востоковедении. Докторск. дисс. -М., 1998.*

5. *Конрад Н.И. Запад и Восток. Изд-2. –М.: Наука, 1972.*

6. *Наваи. Избранные газели. Серия «Литературное наследие Востока».–Москва– С... бург, 2000.*

# НАВОИЙ ИЖОДИДА УМУМИНСОНИЙ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

**Умида РА...**

*...*

*(Ўзбекистон...)*

Одамзот фитрати мураккаб яралган, ҳануз бу синоат англаб етилмаган. Инсонни каш... сўз соҳирлари жиддий масъулиятни ҳис қилганлар. Зеро, одам яратилганлар ичра олий ... лан зийнатланган. Заковат соҳиблари илму маърифат ёғдусини инсоният шуурига етказиш... сак шараф деб билганлар. Донишманд шоиримиз Алишер Навоийнинг пурмаъно ҳикмат... лар давомида маёқ бўлиб, ҳаётимизни мунаввар этмоқда. Бобомизнинг:

*Одами эрсанг демагил одами*
*Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

байти умуминсоний аҳамият касб этади. Бу панд-насиҳат турли миллату элатга теги... либ, инсоннинг ўзлигини, маслагини аниқ-тиниқ талқин этади. Инсоннинг, аввало, эли би... яхлит бир бутун эканлиги эслатилади. Одам халқнинг тинчи, фаровонлиги, ривожи йўли... яшаши, хайрли ишларга камарбасталиги билан мукаррам саналади. Шоир мазкур муамм... бот мурожаат этиб:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,*
*Билки, бу нафъ, ўзунгга кўпракдурур, –*

дея таъкидлайди. Кўринадики, байт ҳам юқоридаги ҳикматга ҳамоҳанг бўлиб, унда ... фаати йўлида хизмат қилаётган инсоннинг қадр, хурмат-эътиборга лойиқлиги асосланади. ... илик, ҳамнафаслик, жонкуярлик фазилати мадҳ этилади. Ғам келганда унга ғамхўрлик қил... саодатдир. Зеро, ҳаётда яхши-ёмон кунда инсонга суянчиқ, дардкаш бўлиш, ғамига шери... таскин бериш хислат саналади.

Алишер Навоий асарларида кишиларни маърифатга чорлаш, илмга эътибор масаласи ... эътироф этилган. Зиё нури қалбни равшан этар экан, бу ёғдудан бебаҳралик фожиадир. Ил... борасида муқаддас Қуръони каримда кўп оятлар зикр этилган. Одамзотнинг икки дунё са... ноил бўлишига сабаб илмдир. Ҳазрат илму толиб ҳамда устоз аро риштани мухтасар тасви...

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,*
*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Илм ўрганишда сабрли,уқувли бўлиш киши мартабасини оширади. Аҳли дарк,аҳли ... юксак тафаккури ила ҳидоятга сазовор бўлганлар. Ҳақ, тўғри йўлга етаклаган устоз доим ... лойиқ. У не-не машаққат ила кишининг саводини чиқаради, дунёвий, диний билим,тас... орттириб, зарур тушунча ҳосил бўлишига эришади. Юксак дид, савия, уқувга эга бўлиш ... шу заҳматли, хайрли ишда устозлик рутбасига муносиб зотнинг ҳаққи, меҳнати бебаҳо...

[illegible] ҳаққини бойлик ила адо этиб бўлмаслиги уқтирилади. Дарҳақиқат, бизга илм ўргатган устозлар [illegible] олдида қарздормиз. Улар ҳеч қандай таъмасиз шарафли ишни бажаргани ибратли ҳолдир. [illegible] маърифатли бўлиш, тафаккур соҳибларини қадрлашни доим таъкидлаганлар.

Дунёдаги энг мўътабар зот бу – она ва уни ардоқламаган мавжудот бўлмаса керак. Табиатни [illegible] табиат дея эътироф этамиз. Майда қумурсқадан йирик жонзотгача унинг муруввати билан [illegible] Авлодлар давомчиси, оила таянчи саналмиш волиданинг чексиз меҳри шамс мисоли олам[illegible] туради. Бу хилқатни Аллоҳ мукаррам айлаб, жаннат орзусидаги инсонга ризолигига эри[illegible] нозил этган. Бадиий адабиётдаги абадий мавзулардан бири она мадҳи саналади. Алишер Навоий ҳам

*Оналарнинг оёғи остидадур,*
*[illegible] жаннату жинон боғи*
*[illegible] боғин висолин истар эсанг,*
*[illegible] онанинг оёғи туфроғи –*

[illegible] сатрлар қатига кўп маъно сингдиради. “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган муборак [illegible] шарифга ҳамоҳанг жумлаларда бағрикенг, мушфиқ онанинг қадри, бурч, масъулияти таъ[illegible]ланади. Она маслакдош, тарбиячигина эмас, вафодор, садоқатли шахсдир. Унинг муҳаббати [illegible]. Инсон мушкул дамда дўсту ёрининг асл ниятини англайди, она эса фарзандини ҳеч қандай [illegible]сиз яхши кўради, асраб-авайлайди. Она меҳри уммон янглиғ, унинг шаффоф, зилоллиги [illegible] толеига ойдинлик ато этади. Алишер Навоий фарзандга она дуосини олиш, унга сидқи[illegible] хизмат этиш икки дунё бахтига мушарраф бўлишини уқтиради.

Вақт олий ҳакам. Уни қадрлаган, эъзозлаган одам оқил саналади. Ҳаёт синоатини уқиш, муро[illegible] мақсадга эришишда ҳар соатдан ўринли ва унумли фойдаланиш лозим. Буюк ишларни рўёбга [illegible]да, фойдали, хайрли амалларни бажаришда инсон доим сергак бўлиши керак. Шу маъно[illegible] зарур нарсага сарфлаш борасида ҳикматлар юзага келган. Алишер Навоийнинг мазкур [illegible]га муносабати бундай :

*[illegible]а ҳеч эътимоде йўқтур, эй ғофил кўнгул,*
*[illegible] йилни неча маст ўткаргасен бир ҳам ойил*

Инсон қалби доим огоҳ бўлиши, умрини қандай ишларга сафарбар этганини англамоғи керак. [illegible] қолган кўнгил бемақсад сарсон бўлиб, ўткинчи дунё найрангига овора бўлади. Ойлар [illegible] йиллар келаверади, адашган кимса масту аласт бўлиб вақтни беҳуда ишларга сарфлайди. Дунё неъматига, ҳою-ҳавасига берилиш, ҳушёрликни бой бериб сархушликда не боис яралганини [illegible] ўтиш ачинарли ҳол.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида одамлар ўртасидаги муносабат таранглашиб бормоқда.Ом[illegible] маданият инсониятни ўз қаърига тортмоқда. Ўзаро муомала маданиятига риоя этиш мурак[illegible]. Ҳамма бирор иши битишини кўзлаб шошади, атрофидаги ҳодисаларни баҳолашга аҳамият [illegible]йди. Кўнгиллар жаҳолатдан озор чекмоқда. Оилада фарзанд тарбиясига эътибор сусаймоқда. Алишер Навоийнинг :

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай –*

байтида кўнгли ўксик, хафа кишини хурсанд этиш йиқилган Каъбани қайтадан қурган, таъ[illegible]гандек савобга сазовор бўлиши айтилади. Каъба дунёдаги энг пок , табаррук жой. Мисра[illegible]га эътибор берилса кўнгилни кўтариш, эъзозлаш ҳолати Каъбани обод этишга тенглашти[illegible]да. Инсон нозик қалбига малҳам бўлгувчи тотли сўзни айтиш қанчалар гўзал ташбеҳда [illegible]нмоқда.

Алишер Навоий ижодида мажозий ва илоҳий ишқ куйланган. У асарларида чин ошиқлигини [illegible] этган, муҳаббат тилсимини илғаган ориф сифатда намоён бўлади. Аллома инсониятга ҳақ [illegible] кўрсатган пайғамбарлар ҳақида асар ёзишдан аввал диний, тарихий манбаларни қунт билан [illegible]ган. Фаолияти давомида ишқ моҳияти, тасаввуф таълимоти, авлиё, зоҳидлар ҳикматини ан[illegible]га мушарраф бўлган олим энди янада масъулиятли, шарафли ишга жазм этган. У “Тарихи [illegible] ва ҳукамо”да Қуръони карим, ҳадиси шариф асосида пайғамбарлар дунёқараши, фаолияти-

ни ёритиб берган. Асар Одам алайҳиссаломнинг яратилиш лавҳасидан бошланар экан, [illegible] бали фариштанинг Аллоҳ амрини вожиб этиш жараёни, тупроқнинг ноласи, ёмғирни[illegible] ёғишига урғу берилади. Иблиснинг илк найранги, одамнинг биҳиштдан чиқарилиши, [illegible] мақбули тасвирида жой номлари киритилади. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни муқаддас [illegible] оятлар билан мустаҳкамлаб боради. Ижодкор набийлар ҳаётидаги туб бурилиш, сино[illegible] сидан чиқиш, шайтон найрангидан халос бўлиш онларини бирлаштириб, яхлит тас[illegible] қилишга интилади.

Маълумки, пайғамбарлар қавмини имонга чорлаш мақсадида турли мўъжизалар [illegible] ган. Алишер Навоий бу ҳолатлар ифодасида бир қанча жараённи қамраб олади. О[illegible] оқ, қизил, қора булутдан бирини танлаши, қора булутнинг имонсизларни ҳалок қи[illegible] катга ишора қилинса, Солиҳ а.с даврида тош ичидан тева билан бўтаси чиқиши тас[illegible] Яратгангина майда ҳашоротдан тортиб инсонгача ризқ улашишга қодирлиги эслат[illegible] Намруднинг Иброҳим а.с.ни оловга улоқтирган дамда ўт, гулханнинг гулистонга ай[illegible] дад ёлғиз Аллоҳга хослиги тушунилади. Биёбонда сувсаган гўдак Исмоил учун зам[illegible] пайдо бўлиши, Иброҳим а.с.нинг Каъбани бино этиши, қурбонлиқ синовидан ота-ў[illegible] юз билан ўтишида имон қуввати яққол аён бўлади.

Алишер Навоий пайғамбарлар мўъжизаси, дуосини баён этар экан, уларнинг о[illegible] бўлиб танлангани, сабру бардош ила имонга чорлаганини ёритиб беради. Турли [illegible] тақдиридан лавҳалар берилиб, исён ҳамда итоат тушунчаси шарҳлаб борилади. Така[illegible] ҳалокатга маҳкум этилган қалби сўқирлар фожиаси аниқ-тиниқ берилади. Муҳими, [illegible] жизалар одамзотни ҳидоятга бошлаши, имонлилар бу ҳикматни англаб, саодатга му[illegible] асосланади.

Алишер Навоий чин маънода донишманд бўлган. Унинг ақлу заковати, истеъдо[illegible] учун хоҳлаган асарига мурожаат этиш кифоя. Ўзига жуда талабчан инсон тафтиш қ[illegible] лига нигоҳ ташлайди. Бунда умри давомида амалга оширган ишларини таҳлил қилиб, [illegible] розисига ҳавола этади. Аллома ботиний ҳолати, армону изтироби уйғунлашиб, мунгли [illegible] ланади. Шу боис Яратган билан ички мулоқотга жазм этган Алишер Навоийнинг “Му[illegible] рида бутун вужуди билан илтижо қилганини тинглаб ўйга толасиз. Хокисор, камтарин [illegible] тавозе ила Аллоҳга мурожаатида руҳий ҳолати нозик акс этади. Ҳадиси шарифда энг г[illegible] Аллоҳга хослиги, улар билан дуо қилинса, мустажоб бўлиши эслатилган. Асар му[illegible] асмои ҳусна эътироф этилиб, ҳар бир сифатга қисқа таъриф келтирилади. Ҳамдга чоғла[illegible] камтарлик ила улуғ мартабали Зотнинг неъмати ҳамда эҳсони бепоёнлигини зикр айла[illegible] учмоҳ (жаннат) ва етти тамуғ (дўзах)ни мисол келтириб, борлиқдаги барча ишларни хо[illegible] тасарруф этувчи Ҳокимни шарафлайди.

Муаллиф ўз ҳолатини баён айлаб, муножот этар экан, Акрам ул-акрамин олдида гу[illegible] дан фиғон чекади. У умрини сарҳисоб қилиб, хато камчиликларини бирма-бир ошкор э[illegible] ят йўлига интилган қалб Яратган мададидан умидвор бўлиб, истиғфор айтади. Ижодкор [illegible] махфий сақлаган, набототу жамодотдан одамзотни мукаррам қилган, дардга шифо бер[illegible] лашга шошмайдиган, яхшиликка ажр берган Аллоҳнинг жалиллигини эътироф айла[illegible] тоатқа тавфиқ бериб, риёдан асрашини, ибодатқа йўл кўрсатиб, хатодан сақлашини сўра[illegible] мат мужассам. Риё, такаббурлик боис иблис жаннатдан қувилган. Одамзотнинг бу илла[illegible] лолиги кўп азият келтирган. Ибодатда риёкорлик ҳам доим қораланиб, унинг мақбул бў[illegible] эслатилган. Холислик, хокисорлик сабаб инсон юксалиши, кўнгил ҳаловат топиши аён.

Алишер Навоий асарлари умуминсоний моҳиятга эга бўлиб, кишиларни бахту саода[illegible] маърифатга етаклайди. Кишиларнинг пок қалби, олижаноб фазилатлари билан ҳалова[illegible] моғи аён. Мутафаккир ижодининг моҳияти ҳам инсониятни комилликка, эзгуликка чор[illegible] ратилган.

*Не ҳикматдурки, айлаб бу самоу арз таъмирин,*
*Тузуб онлар ичида жумла мавжудот тасвирин,*
*Ёзиб кўк лавҳиға зийнат учун анжум таҳририн,*
*Китоби сунъи килки сураи "Вашшамс" тафсирин*
*Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.*

"Не ҳикматдурки..." жумласи бу ерда савол маъносида эмас, балки Яратувчининг санъаткорлиги қаршисидаги ҳайрат ва ажабланишнинг ифодасидир. Банд мазмуни қуйидагича: "Нақадар зўр ҳикмат билан осмону заминни барпо қилди, уларнинг ичидаги жамики мавжудотларни ўзига хос тарзу шамойилда яратди, кўк лавҳига зийнат учун юлдузлар шодасини ёзиб қўйди, Яратувчининг худди (гўёки) "Вашшамс" сурасининг[236] тафсирини фалак тоқининг ҳошиясига зарҳал ҳарф билан ёзиб қўйди".

Мухаммас бандларидан кўриниб турибдики, Муҳаййир мисралари Навоий сатрлари билан оҳанг, маъно жиҳатдан изчил. Айрим сатрлар орасидаги фарқ сезилмаслик даражасига етган. Муҳаййир ўз мисраларига Навоий байтига мос келадиган даражада фалсафий-бадиий салмоқли фикрни сингдира олган.

Муҳаййирнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммасларидан маълум бўладики, шоир ижодига Навоий шеърияти бевосита кучли таъсир кўрсатган. Бу жиҳат, айниқса, Муҳаййир мухаммасларида янада равшанроқ намоён бўлган. Муҳаййир мухаммаслари ичида Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмисларнинг сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам салмоқли ўрин эгаллаши фикримизнинг ёрқин далилидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. *Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 8-том. – Т.: Фан, 1991.*
2. *Абдуғафуров А. "Ихтироъ" ғазал ва унинг силсиласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. – №1.*
3. *Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1984.*
4. *Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996.*
5. *Муҳаййир. Девон. – В. 29.*
6. *Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972..*
7. *Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.*


# ШАЙХЗОДА – НАВОИЙШУНОС


**Абдулла УЛУҒОВ**
*ТошДЎТАУ*
*(Ўзбекистон)*


Навоийшуносликда Мақсуд Шайхзода тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади. Навоий тўғрисида гап кетганда, албатта, "ғазал мулкининг султони" таърифи қўлланади. Улуғ мутафаккир ижоди моҳиятини мужассамлаштирган ушбу қуйма таъриф Шайхзодага тегишли ва энг тўғри, энг аниқ таъриф сифатида барчага манзур. Олимнинг "Гениал шоир" рисоласи Навоий ижодига доир дастлабки салмоқли тадқиқотлардан бўлиб, буюк салафи адабий меросининг моҳияти, "Хамса" нинг аҳамияти тўғрисида аниқ ва теран тасаввур беради. Унга қадар матбуотда Навоий ижодига бағишланган "Классик адабиётимизнинг улуғ сиймоси", "Илму маърифатнинг жўшкин куйчиси", "Бобур ва Навоий", "Навоий ижодида фольклор мотивлари", "Навоийда адлу инсоф масаласи" сингари мақолалари эълон қилинган.

Мақсуд Шайхзода биринчилардан бўлиб Навоий ғояларининг XX аср ҳаёти билан боғлиқ жиҳатлари, бугунги кундаги беқиёс аҳамияти тўғрисида сўз юритган. У ёритган муаммолар кей-

[236] "Вашшамс" – Қуръони Каримнинг 91-сураси. Бу суранинг биринчи ояти "Қуёш ва унинг ёғдусига қасам..." деб бошланади. Қуёш Яратувчининг аломатларидан бўлгани, шунингдек, сўз саҳар вақтида қуёшнинг чиқиш манзараси устида кетаётгани учун Навоий айнан шу сурани зикр қилган.

инчалик йирик илмий тадкикотлар мавзусига айланган. Олим улуғ шоир асарлари моҳияти...
гилайдиган жиҳатларни аниқ топади. Навоийнинг улуғвор даҳосини ва мумтоз адабиёти...
улуғ сиймоси эканини тарихий давр фонида асослайди. Олим улуғ шоирнинг ғазал ва рубо...
ларида, "Хамса"сида, бошқа асарларида инсон ҳаётининг турфа хил муаммолари, қалби...
зал ҳис-туйғулар теран тасвирланганини чуқур ҳис қилган ва шу боисдан Навоий ижодини...
билан ўрганиб, унга муҳаббат қўйган. Аммо у Навоий асарларининг асл моҳиятини бор...
очишга эриша олмаган. Буюк шоирнинг эътиқоди, асарларининг тасаввуфий моҳиятига доир...
англаган, ҳис қилган ҳақиқатларни айта олмаган. Шўро мафкураси бунга йўл бермаган. айт...
зарур жуда кўп фикр-мулоҳазалари кўнглида қолиб кетган.

"Илму маърифатнинг жўшқин куйчиси" мақоласида ёзилишича: "Шоир "Ҳайрат ул-аб...
хотимасида Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзога мурожаат қилиб, олимларни ҳ...
қилиш кераклигини уқдирган:

*Биравки қилса олимларга таъзим,*
*Қилур гўёки пайғамбарларга таъзим.*

Олимни пайғамбарга ўхшатиш Навоий даврида катта журъат эди", дейди. Ваҳоланки, му...
ҳадисларда олимлар пайғамбарларнинг издоши, илм билан шуғулланиш ибодатларнинг энг а...
экани таъкидланади. Лекин шўро мафкураси бу ҳақиқат ҳаммага маълум бўлишига йўл қ...
эди. Мустабид тузум буюк тарихий шахсларни динни инкор этувчи қилиб кўрсатишни ис...
Шунинг учун шўро даврида Навоийнинг мутаассиб, жоҳил руҳонийларни танқид қилган ш...
ри юзаки талқин қилиниб, асосан улардан иқтибос келтирилган.

Мазкур мақолада яна: "Навоий темурийлар қаторидан фақат Улугбекни мақтаб, унинг о...
гини таърифлайди", дейилган. Аслида, Алишер Навоий нафақат Улуғбекка, балки Амир Те...
Ҳусайн Бойқарога ва бошқа темурийзодаларга ҳам юксак эҳтиром билан қараган. Ҳусайн Бо...
ро билан болаликдан дўст бўлган ва бу дўстлик бир умр давом этган. "Хамса"ни ёзиб ту...
унга тақдим этган. Асарларида темурийлар номини келтирар экан, уларнинг фазилату қус...
тўғрисида мулоҳаза билдирган. Шўро даврида барча ҳукмдорлар, айниқса, темурийларни ...
лаш, уларни золим, калтабин, маишатпараст, шухратпараст сифатида кўрсатиш авжига чиққ...
Улуғбекка эса бошқача қаралиб, унинг мутаассиб руҳонийлар қутқуси билан ўлдирилгани та...
ланарди. Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ижодига багишланган тадқиқотларида ҳам ...
мафкура таъсири сезилади. Аммо у буюк мутафаккир ижоди моҳиятини шўро мафкураси и...
берган даражада кишиларга етказишга, улуғ шоирни халқнинг қалбига олиб киришга, унга ...
тан муҳаббат ҳиссини уйғотишга интилади.

"Бобур ва Навоий" мақоласида биринчилардан бўлиб бу икки сиймо ўртасидаги муносаб...
га эътибор қаратган. Шўро даврида нафақат темурийлар, балки умуман шоҳлар, султонлар т...
сида ижобий фикр билдиришнинг ўзи катта жасорат эди. Мақсуд Шайхзода тарихий далил...
зукколик билан таҳлил қилиш орқали темурий ҳукмдор Бобур ва Навоий учрашмаган бў...
бир-бирига интилгани, афсуски, бунга тарихий шароит имкон бермагани, халқимизнинг бу ...
улуғ фарзанди ўртасидаги муносабатлар ғоят ғаройиб кечгани ҳақида ёзади. Бобурни бирор ў...
да мақтамагани ҳолда: "Навоийнинг бизнинг адабиётимизга қилган ҳизматини ҳеч ким Бо...
ҳикматли ва чуқур баҳолаган эмас... Бобур поэзиясида Навоийнинг эпик эмас, лирик йўлини ...
эттирди. Навоийнинг олижаноб идеаларини, дўстлик, ватанпарварлик, эркин фикрлик, ҳаётч...
ва бошқаларни янги ва содда лирикаси билан давом эттирди", дея уни улуғ мутафаккир, бе...
сўз санъаткори сифатида улуғлайди. [5.21, 22]

Ҳажман ихчам бу мақолалар фикрнинг мантиқий теранлиги, аниқ деталларга асосланиши, ...
лосаларининг салмоқлилиги билан диққатни жалб этади. Уларда муаммо қиёсий таҳлил асо...
ёритилади.

Шайхзода улуғ шоирга муҳаббати беқиёс бўлгани боис унинг ижодига таъсир кўрсатган ...
ларни аниқлашга интилиб, адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб Навоий ижодидаги ф...
клор мотивларини ўрганишни бошлаб берди. "Гениал шоиримизнинг сўнмас ижодиёти Шарқ ...
биётининг ёзув манбалари билан бирга халқ ижодининг ҳам битмас-туганмас хазиналаридан ...
инжулар олди. Асосан бу икки база Навоий ижодининг баланд имората учун маҳкам пойд...
ролини ўйнади", деб таъкидлайди ҳамда буни аниқ далиллар орқали илмий асослайди.

Шайхзода Ҳусайн Бойқаро тўғрисида: "Самарқанд, Бухоро, Фарғонадаги кичик давлатларга қараганда Хуросон давлати анча кенг бўлиб, ҳозирги Эроннинг шарқи-шимолий вилоятини, Афғонистоннинг ғарб томонларини, ҳозирги Туркманистон республикасининг территориясини ва ерларини ўз ичига олар эди. Хуросон давлатининг тепасида Навоий замонасида машҳур Ҳусайн Бойқаро (Темурнинг эвараси) турар эди. Бу киши зўр шоир ва шеър дўсти эди", деб ёзади. Шўро даврида темурий ҳукмдорларни бундай таърифлашга йўл қўйилмаган. Аммо Шайхзода йўлини топиб асл ҳақиқатни айтишга эришади. У Навоийнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ дард-армонлари, орзу-умидларини теран тушунади, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларини маълум қилишга интилади ва шу асосда унинг шоиргина эмас, инсонни улуғлаган, ҳаётни мадҳ этган, адолат ва ҳақиқатни улуғлаган буюк мутафаккир бўлганини таъкидлайди.

Олим Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари, адолат, ватанпарварлик, халқлар дўстлигига доир ўй-фикрлари, орзу-армонлари тўғрисида мулоҳаза юритганда кўпроқ "Хамса"га мурожаат қилади. Чунки ундаги достонлар марказида шоирнинг айни масалаларга муносабати туради. Шайхзода достонлар сюжетининг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратади ва шу тарзда ўқувчиларни "Хамса" билан яқиндан таништиради. Достонлар ғояси, мазмун-моҳиятини оддий усулда тушунтиради: фикр барчага бирдек тушунарли, мулоҳазалар мантиқан боғлиқ, фикр салмоғи ортиб, муаммо моҳиятига тобора чуқурроқ кириб борилаверади. Силлиқ, равон жумлалардан кўз қувнаб, дил яйрайди.

"Гениал шоир" тадқиқотида Навоий асарларида инсонпарварлик ғоялари улуғланишига оид мулоҳазалар у яратган аёллар образи таҳлили орқали далилланади. Ижодкорнинг инсонни улуғлаши, аввало, унинг аёлларга муносабатида яққол намоён бўлади. Аёлларга муносабат муайян шахснинггина эмас, жамиятнинг ҳам даражасини белгилаб беради. Шайхзода шу боис буюк шоир асарларидаги аёллар образига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича: "Жамиятнинг ярмини ташкил қилган аёллар Навоий ижодида жуда катта ўрин тутади".

Навоийнинг ғазалларида ҳам, достонларида ҳам аёллар образи етакчи ўрин тутиши аниқ мисоллар таҳлили орқали ёритилади. Бу ҳатто достонлар номланишида хам сезилиши айтилади. "Хамса"нинг иккинчи достони "Фарҳод ва Ширин", учинчи достони "Лайли ва Мажнун" деб номланади. Тўртинчи достон "Сабъаи сайёр"да ҳам Дилором – аёл асосий қаҳрамон саналади. Мақсуд Шайхзода таъкидлаганидек, "Яна шу достондаги етти афсонанинг ҳар бирида биттадан қиз қаҳрамон иштирок этади. "Садди Искандарий" достонида ҳам гарчи эпизодик ҳарактерда бўлса-да, хотин-қиз персонажларини (Равшанак ва бошқалар) кўрамиз".

Навоий асарларидаги қизлар образи, аввало, гўзаллик тимсоли экани; иккинчидан, ақл-фаросати ўткирлиги, зукколиги; учинчидан, юксак маърифати, маданияти (Ширин, Лайли ахлоқи); тўртинчидан, муайян касб-ҳунарда моҳирлиги (Диломнинг соз чалиши, Меҳинбону саройидаги шоира, раққоса, мантиқчи, астороном, файласуф, сухандон, тарихчи, ҳикмат сўйловчи, ҳисобчи, муаммолар топқири бўлган қизлар), бешинчидан, ёри ва ватанига садоқати, фидойилиги билан ошиқларда юксак туйғулар уйғотади. Бирор ўринда бу гўзаллар шаънига соя соладиган сўз айтилмайди. Уларнинг мақсади эзгу эканлиги, дилида бошқаларга нисбатан заррача зулм, адолатсизлик йўқлиги эътироф этилади.

"Гениал шоир"да Навоий асарларининг энг нозик ва айни чоқда, энг муҳим жиҳатлари шу қадар нуктадонлик билан очиб берилади. Шайхзода "Хамса"нинг марказий масалаларидан бири – ишқ талқинини инсонни маънан-руҳан улғайтириб, баркамол этадиган зарурий омил сифатида қаратади: "Буюк мутафаккир бўлган Алишер Навоий кишилар ўртасидаги ишқий муносабатларнинг буюк ижтимоий функциясини англайди. Мажнун ўзининг чиройлик ғазалларини ишқнинг кучи билан яратади ва буларни Лайлига багишлайди; Фарҳод Шириннинг ишқидан илҳомланиб, Бесутун тоғида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатади, ихтиролар ясайди. Дилором ишқ ҳасратидан ажойиб қўшиқларини зўр маҳорат билан айтиб беради. Навоийнинг қаҳрамонлари ўз ишқларида севилган кишининг бахт-саодатида кўрадилар", дейди.

Хусрав ва Фарҳод ўртасидаги диалог нафақат ушбу достоннинг, балки "Хамса"нинг ёркин, эсда қоларли ўринларидан биридир. Шайхзода биринчилардан бўлиб бунга эътибор қаратади "Мана шу икки рақиб ўртасида ўтган қирқ саккизта "деди"лар билан бошланган машҳур диалог Навоийнинг ишқ фалсафаси учун программа саналишга лойиқдир", деб баҳо беради.

Навоийни ўз даврининг энг маданиятли, маърифатли кишиси сифатида таърифлаганда, унинг улкан олимлиги, Абдураҳмон Жомий "Хираднomai Искандар" асари хотимасида "мислсиз ақлу фаросатига ва ақлу қобилиятига юксак баҳо бера бергани, унинг дунё тўғрисида тасаввури, ўша даврга таққослаганда, ғоят кенг бўлгани, жумладан, "Садди Искандарий" достонида ўттиз учта мамлакат, шаҳар номини келтиргани, бу унинг жуда кўп китоб ўқиганидан далолат бериши ҳақида ёзади. Буюк бобокалонимизнинг олимлар, санъаткорлар, шоирларга ҳомийлик қилгани, буни Бобур ҳам эътироф этгани, болалик чоғидаёк "Зафарнома" муаллифи улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан кўришиб, унинг таҳсинига сазовор бўлганини таъкидлайди. "Қизғин мутолаа ва сўнмас ҳавас Навоийнинг бутун ҳаётини характерлайди... Кўп доҳийлар каби Навоий ҳам вақтдан максимал даражада фойдаланиш қобилиятига эга эди. Яъни бу буюк меҳнаткаш бир кеча-кундузнинг бериши мумкин бўлган ҳамма соатларини ғанимат деб билар эди", деган сўзларида вақт тақсимотига идеал муносабат акс этган.

Ҳар қандай ҳаракат вақтда амалга ошади. Фарҳод, Мажнун, Искандар вақтини беҳуда сарфламагани учун илму ҳунар, зеҳн-заковатда барчадан ўзиб кетади. Фарҳод юзлаб-минглаб кишилар уч йилда амалга оширолмаган ишни якка ўзи икки-уч кунда бажариб, одамларни машаққатдан халос этади. Мажнун ҳам ақл-заковати билан Нафвал исмли баҳодирнинг ҳурмати, меҳрини қозонади. Нафвал Мажнунни мақсадига эриштириш учун Лайлининг отасига хат ёзиб, мурожаат қилади. Натижа чиқмагач, ўз қизини Мажнунга беришга аҳд қилади. Искандар илмли бўлгани учун бутун инсониятнинг озодлиги, фаровонлиги учун курашади. У шахсий ҳузур-ҳаловати, маишатини эмас, эл-юртнинг манфаати, осойишталигини ўйлайди. Мақсуд Шайхзода "Искандар образи Навоийни кўп машғул қилган. Чунки бу сиймода, бошқа хислатлар билан бир қаторда, олимлик ва илмпарварлик сифатларини пайқаган. "Фарҳод ва Ширин" достонининг охирида ҳам илм ва ҳунарнинг абадий ролини уқдириб туриб, Искандарнинг икки минг йилдан бери ҳурмат билан ёдланиб келганлигини айтади" дейди [5.85].

"Гениал шоир" рисоласи Навоий ижодининг бугунги кундаги аҳамиятига доир фикрлар билан якунланади. Буюк шоир маҳорати теран таҳлил қилинган, асарларидаги юксак ғоялар ёрқин очиб берилган бу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида алоҳида ўрин тутади. Чунки унда илгари сурилган аксар қарашлар кейинчалик ривожлантирилган, эътибор қаратилган муаммолар навоийшуносликнинг асосий тадқиқот мавзусига айланган. Олимнинг Навоий ҳаётининг Самарқанд даврига оид фикрлари Воҳид Абдуллаев ва бошқа адабиётшунослар томонидан давом эттирилгани бунинг исботидир.

Бугун навоийшуносликда янги бир давр бошланди. Навоий асарларининг дин ва тасаввуф билан боғлиқ жиҳатлари чуқур тадқиқ қилинмоқда. Лекин Шайхзоданинг "Кўп Шарқ шоирларидаги ва шу жумладан, буюк Навоийдаги севгини "ишқи илоҳий" маъносида ва Навоийнинг ўзини тамоман сўфий шоир деб тавсиф қилиш нотўғри ва зарарли", деган фикри бугун ҳам маъқулланади.

Мақсуд Шайхзода "Ҳайратул аброр" достонининг ўзига хос хусусиятларини ҳам илмий асосда теран таҳлил қилади. У дастлаб "хамса"чилик тарихига назар ташлаб, Навоийнинг мақсад-муддаосини маълум қилади ҳамда "Ҳайратул аброр" композициясини ўрганади. Сўнг достондаги мақолотларни мавзусига кўра таснифлайди. Асар бадииятини тадқиқ қилади [5.132].

Олимнинг Навоий ҳаёти ва ижодига доир ҳар бир мақоласи ўзига хос салмоқли илмий тадқиқот саналади. Лекин улар орасида "Ғазал мулкининг султони" мақоласи алоҳида ажралиб туради. У сарлавҳасининг шоироналиги ва жарангдорлиги билан эмас, илмий теранлиги билан ҳам диққатни жалб этади. Мақолада ғазал жанрининг шаклланиши, ўзига хос хусусиятлари, бадиияти тўғрисида мантиқли ва ҳамма учун тушунарли фикрлар билдирилиб, адабиётшуносликдаги қарашлар умумлаштирилган. Мақолада шоирона нигоҳ чуқур илмий таҳлил билан уйғунлашиб кетади. Ғазалнинг хусусиятларини англаш учун мазкур мақолани бир марта ўқиш кифоя. У ғазал ҳақида, Навоийнинг юксак бадиий маҳорати тўғрисида ўнлаб китоблар, мақолалардан кўра кўпроқ маълумот бера олади. "Ғазал мулкининг султони"да "Зилол чашмани биллур сувларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, шеърий девонни ҳам ғазалсиз кўз олдига келтириш амри маҳолдир. Тақрибан ўн асрдан бери шарқли ошиқнинг, шарқли ҳақиқатжўйларнинг юрак майлларига ва фикрий изланишларига таржимон бўлиб келган газал халқларимизнинг энг севимли ва маҳрам сирдоши, улфати бўлиб қолди", дейилади [5.356].

Айтиш мумкинки, "ғазал мулкининг султони" Мақсуд Шайхзоданинг нафақат навоийшунос, балки адабиётшунос сифатида ўзига хос дастурий мақоласи саналади. Муаллиф унда шу йўна-

ҳақидаги барча тадқиқотларидаги мулоҳазаларини умумлаштириб, айта олмаган, айтиш имкони бўлмаган фикрларини тезис тарзида ифодалайди. Хусусан, мақоланинг “Шуни очиқ эътироф этиш керакки, Навоий ўз мактабдоши, дўсти, маслакдоши Бойқарога ғоят чуқур ҳурмат ва садоқат сақлаган, улар ўртасидаги дўстлик ва ихтилоф ҳозиргача бўлганидан кўра, нозикроқ, мураккаброқ ва холисроқ таҳлилни талаб қилади... Биз, одатда, классик лирикада тасаввуф масаласини ибтидоий бир неча даъво билан қоплаб ўтиб кетамиз. Ҳолбуки, ғазалда тасаввуф унсурларини тўғри кўра билиш ва уларни шоирона муҳити, истеъдоди, дунёқараши билан боғлаб, бир манзара яратиши лозим. Сўфиёна ва орифона ғазалларда “Аналҳақ Мансур Ҳаллож!”, “Маъшуқнинг жилваси”, “Таъзими ишқ” “Ақл заифлиги”, “Мастлик ва шайдойилик” каби анъанавий сўзларнинг луғавий ва мажозий маънолари ғазалхон олдида аниқлангандан кейин, у ошиқона либосларга ўралган ирфон, билим, маърифат, муҳаббат каби тушунчаларни булар билан омухта қилиб, ўзига сингдириб олади”, каби ўринлари шундай дейишга асос беради.

Шайхзоданинг тадқиқотларида мантиқий мушоҳадалар шоирона қарашлар билан узвий бирлашиб кетади ва Навоий даҳосига самимий муҳаббат, унинг ижодига сўнмас қизиқиш уйғотади. Масалан, “Ғазал мулкининг султони”да орифона, ошиқона, қаландарона ғазаллар бир-биридан мазмуни ва образларига кўра фарқланишини олим аниы ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, ошиқона ғазалларнинг асосий мазмуни ошиқнинг ялиниши ва маъшуқнинг жабру жафосидан шикоят асосига қурилади; орифона ғазалларнинг мазмуни вужуд бутунлиги (Тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади; қаландарона ғояларнинг асосий мазмуни дарвешлик (риндлик) ва мастликни мақташ, пири муғонга камарбасталик, соқийга маҳлиё ва мафтун бўлиб, ўзини йўқотиш кабиларда тажассум топади.

Бир қарашда, ғазал аёл чиройини мақташ, унга муҳаббат изҳори бўлиб туюлади. Улардаги образлар, ташбеҳлар ҳам бир-бирини такрорлагандай кўринади. “Ғазал мулкининг султони” мақоласи билан танишган киши эса аслида бундай эмаслиги, Шарқ адабиёти рамз, ишораларга ғоят бойлиги, улар замирида улкан моҳият яширинганини англаб етади. Мақолада: “Ошиқона ғазалда ошиқ образи доимо барча имкониятлардан маҳрум, бенаво, ожиз, содда, гўл, ақли паст, даъвоси йўқ, қувғин, хокисор қилиб, тасвирланади. Нега ахир шундай? Маъшуқ ошиққа минг зулм қилса ҳам майли, лекин ошиқнинг энг кескин эътирози бир бурчакда ўтириб, кўз ёшларини оқизишдан иборат, холос... Агар классик лирикадаги маъшуқ (севилувчи) образининг барча характерли сифатларини бир жойга тўпласангиз, сизни даҳшат қоплайди. Кўзингиз олдида дилбар пайдо бўладики, унинг қилиб турган иши зулм, ситамгарлик, бешафқатлик... У – бевафо, ёлғончи, қасамбузар, кинначи... Хўш, бўлмаса, нега ошиқ-мухлис-шоирлар асрлардан бери шу деспотик (истибдодчи) жононни мақтаб-мақтаб, минг дакки ва туртки еганда ҳам ёр остонасида бандалик қилиб ўтирибдилар?” дея барчанинг кўнглидан кечадиган савол қўйилади. Мусулмон Шарқ адабиётида азалдан ёр жамолини турли ташбеҳлар орқали мадҳ этиш асосий ўрин тутиб келади. Хусусан, аксар ғазаллар маъшуқ гўзаллиги таърифидан иборат. Бундан мумтоз адабиёт бир мавзу доирасида қолгандай кўринади. Аслида ҳам мусулмон Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти шакл ва мазмун, мавзу, жанр, образлар жиҳатидан узоқ замонлар анъаналарга асосланган ва шу доирадан чиқолмаган. “Ғазал мулкининг султони”да нега шундай бўлиб келгани масаласи дадиллик билан ўртага ташланади. Лекин афсуски бу муаммога аниқ муносабат билдиришга киришилмасдан “Эрон, Покистон ва Ҳиндистон олимларидан баъзи бирлари бу саволга ўзларича жавоб берганлар. Аммо ахлоқий, мантиқий ва тарбиявий баъзи бир мулоҳазаларни эътиборга олиб ва бу изоҳларнинг етарли илмий савияда бўлмаганини хотирда тутиб, биз бу масалани ҳозирча шундай қолдирамиз ва яқин ўртада ғазал ҳақида нашр этилгуси монографиямизда бу хусусда тўхташга ҳаракат қилиб кўрармиз” дейилган, холос [5.365].

Мақсуд Шайхзоданинг ғазал ҳақидаги мазкур монографияси нашр этилганми-йўқми, буни билмаймиз. Аммо мумтоз адабиётимизнинг беназир, зукко билимдонининг мазкур тадқиқоти эълон қилинса, бу сўз санъатининг сирли-сеҳрли жиҳатлари тўғрисидаги тасаввур-тушунчаларимизни янада ойдинлаштириб, уни янада бойитади.

Алишер Навоий асарлари туганмас хазина бўлса, навоийшунослигимиз алломаси Мақсуд Шайхзоданинг улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотлари шу хазинадаги сандиқлар қулфини очадиган калитдир.

юқорида ишора қилган саховат билан дунёни шарманда қилиш деган маъносини ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Навоий Искандар нутқи воситасида ҳам шу ғояни таъкидлаган:

*Қабрға чун бошлағунгуздур йўлум,*
*Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум.*
*То кишиким қилса назар ул сори,*
*Ибрат ила боққай ўшул қўл сори.*
*Билгай аниким ети кишвар шаҳи,*
*Етти фалак мушкилининг огаҳи,*
*Жисмида жон йўқ бу макондин борур,*
*Холи илик бирла жаҳондин борур.*
*Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,*
*Ушбу илик тажриба басдур анга.*

"Етти фалак мушкилининг огаҳи" бўлган зотнинг сўзларига кўра, тобутдан чиқарилган кўл жаҳон мулкини хавас қилган кишиларга ибратдир. Бу ҳақиқатларни тўла англаш ва инсониятга бундай улуг панд бериш учун камида етти фалак мушкилининг огоҳи бўлиш даркор. Навоий тасаввуридаги Искандар ана шундай образ бўлиб, бутун ижоди давомида Искандар мавзусининг Навоийни оҳанграбодек ўзига тортган жиҳати ҳам айнан Искандарнинг васияти, қўли очиқлик эди. Зеро, Навоий бу васиятда фано концепциясининг мукаммал ифодаси ва исботини кўрган.

## "НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ " АСАРИДА ТУШ МАВЗУСИ

**КАРИМОВА Нафиса**
*ТошДЎТАУ*
*(Ўзбекистон)*

Ҳаётда ҳам, бадиий адабиётда ҳам туш мавзуси мисоли бир жумбоқли масала. Асарларнинг мазмунини туркумлаш, изоҳлаш ва тушуниш жараёнида баъзан туш билан боғлиқ мавзуларга ҳам дуч келамиз. Шундай бир кучли фалсафа, ҳайратли мулоҳазани ҳаракатга келтирувчи мавзулар борки, улар Алишер Навоий ижодида кузатилади.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларидаги мавзуларнинг барчаси инсон руҳияти билан боғланган бўлиб, маънавиятга озуқа бериш, инсоннинг табиатида олий инсоний фазилатларни камол топдиришга, тарбиялашга қаратилган. Ҳазратнинг фалсафий асарлари қамровида туш ҳодисаси ҳам ўрин олган. Туш айрим адабиётларда қуйидагича таърифланади: "Туш кўриш – уйқуда содир бўладиган субъектив психик ҳодиса. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бироз ноаниқ, ҳаяжонли, афсонавий тус олади" дейилган [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8-том, 456-бет]. Лекин бадиий таҳлилда тушлар таъбир этиладиган ва таъбир этилмайдиган типларга бўлинади. Биринчи типдаги тушларни кундалик ҳаётда, кишилар ухлаган пайтида кўрадилар. Уларнинг йўриғини бериш эҳтиёжи туш кўрган кишининг талабидан келиб чиқади. Бироқ биринчи турдаги тушлар ҳар доим ҳам ўз таъбирини топавермайди. Иккинчи типдаги, яъни таъбир этилмайдиган тушларга эса азиз авлиёлар кўрган тушлар киради. Улар диний адабиётларда раҳмоний тушлар, деб аталади. Раҳмоний тушлар ўнгидан келгани ва хайрли экани учун ҳам таъбир этишга ҳожат қолмайди. Азалдан кишилар учун туш ҳодисаси ҳам қизиқарли, ҳам ечимталаб масала бўлиб келган. Бироқ бу фикрни Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асари таркибидагитушларга айтиб бўлмайди. Чунки асардаги туш билан боғлиқ барча ҳодисалар ўз ечимига ва ҳаттоки рўёбига эга. Иккинчи типдаги тушларни айнан мана шу асарда, мажмуа ҳолида кўришимиз мумкин. Навоийнинг тазкира тартиб бериш учун танлаган мавзуси беихтиёр фикрни ҳайратлантирувчи характерга эга. Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида 770 та улуғ шахсиятлар, комил инсонлар, шайхлар, азиз авлиёлар ҳаётидан лавҳалар берилган. Навоий авлиёларнинг кўрган тушларини ва буларнинг ўнгидан келган ўринларини ҳам батафсил ёзиб ўтган. Хайрли тушнинг ўнгидан келиши бугунги кун кишилари учун узоқ кутиладиган ёки унутилиб юбориладиган ҳолат ҳисобланади. Тушлар таъбири тарихи билан танишиш эса туш эгасини яна ўша интиқ ҳолатга қайтаради. "Насойим ул-муҳаббат" асари

ўкувчига азиз авлиёларнинг тушлари тарихидан сабоқ беради. Тазкиранинг кўплаб саҳифаларида улуг инсонлар кўрган тушлар ёки улар кимнингдир тушига киргани ҳақида ҳикоятлар келади. Жумладан, тазкирада Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муриди кўрган туш ҳақида ҳам ёзилган. Муридини зикр айтишни тарк этганини сезган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари унинг тушига ўзининг кирганини эшитиб, кўнгли таскин топади. Чунки муридларнинг ўз пири билан руҳан боғланиши, нажотларига сабаб бўлиб, уларнинг мартабаларини юксалтиради ["Насойим ул-муҳаббат", 121-бет].

Яна бир саҳифа баёнига кўра, шайх Нажмиддин Кубро Ҳамадонга, ундан сўнг Искандарияга бориб, ҳадис илмини ўрганиб қайтаётганида, туш кўради. Тушида эса Расулуллоҳни (с.а.в.) кўради ва ул зотдан куния (ифтихорий лақаб) беришларини илтимос қилади; унга АбулжаннОб деган муборак куния берилади. ["Насойим ул-муҳаббат"130-бет]. Шунингдек, Абу Жафар Сайдалоний тушида Расулуллоҳни кўрганидан сўнг, шайхлик мақомига эришади ["Насойим ул-муҳаббат"52-бет]. Абдуллоҳ Набозоний ҳам тушида пайғамбаримиз – Муҳаммад Мустафони (с.а.в.) кўради. "Ул Ҳазрат унга меҳмонликка борадиган қавм, яъни дарвешлар билан бирга бўлиб, бойлардан узоқ бўлишни насиҳат қиладилар" ["Насойим ул-муҳаббат" 59-бет]. Бир сўфи Ибн Самъун ваъз айтиб турган пайтида ухлаб қолади ва тушида Расулуллоҳни (с.а.в.) кўради. Бу ҳолни илғаган Ибн Самъун ваъзини тўхтатиб туради ["Насойим ул-муҳаббат"64-бет].

Юқорида берилган маълумотларнинг қисқа мазмуни пир-у муридларнинг, азиз авлиёларнинг ҳаёти ғаройиб ва такрорланмас ҳолатларга эга эканини, уларнинг кўпига пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом(с.а.в)ни тушида кўриш насиб бўлганини кўриш мумкин. Улар кўрган раҳмоний тушлареал ҳаёти боғланган бўлиб, баъзан келажакда уларни нималар кутаётгани ёки қайси устоздан таълим олишлари каби ҳолатларни олдиндан билишга имкон берган. Барча асарларида бўлганидек, Алишер Навоий, жумладан, "Насойим ул муҳаббат"да ҳам инсонларни ҳаётнинг гўзал, тинч, осойишта, тўкин ва ибратли томонига чорлайди. Инсон қарашларида "ёлғон дунё" ва "чин дунё" деган тушунча мавжуд. Чин дунёнинг сири чексиз. Ёлғон дунё, деганда эса биз яшаётган реал ҳаёт тушунилади. Авлиё зотлар икки дунё саодатига эришганлари уларнинг тундаги ҳаётида ҳам аксланиб, маълум бўлиши таъбирга ҳеч қандай эҳтиёж қолдирмайди. Халқ оғзаки ижоди намуналаридаги,замонавий адабиётдаги бадиий мотив ҳисобланмиш туш ҳодисасидан "Насойим ул-муҳаббат"да берилган улуғ зотларнинг тушлари ўнгидан келгани фарқланади ва раҳмонийлиги билан ҳам бадиий, ҳам тарихий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий тазкирасида берилган тарихий маълумотларбадиий адабиёт билан боғлиқ туш мавзусини муҳокама қилишга ёрдам беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. *Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: Ўзбекистон. 2015.*
2. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-том. –Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2004.*


## TÜRK DİL KURUMU DERGİLERİNDE ALİŞİR NEVÂYÎ


**Dr. Ömer KÜÇÜKMEHMETOĞLU**
*Hoca Ahmet Yesevi Uluslararası Kazak*
*Türk Üniversitesi Filoloji Fakültesi*
*(Turkiya)*


Ali Şîr Nevâî 17 Ramazan 844 (9 Şubat 1441) tarihinde Herat'ta dünyaya geldi. Babası Kiçkine Bahadır (Kiçkine Bahşı)dır. Timur'un torunlarının hizmetinde bulunmuş, en sonra Bâbür Şah'ın sarayında da önemli bir mevki sahibi olmuştu. Annesinin dedesi Bû Said Çiçek ise Hüseyin Baykara'nın dedesi Baykara Mirza'nın uluğ beyi (beylerbeyi) idi. Şâhruh'un ölümüyle çıkan karışıklıklar üzerine Kiçkine Bahadır o sırada altı yaşlarında olan Ali Şîr'i yanına alarak Yezd üzerinden Irak'a gitti. Bu yolculuk sırasında Zafernâme müellifi Şerefeddin Ali Yezdî ile karşılaşan Ali Şîr, aralarında geçen konuşmayı daha

ларни билдиради: “Навоий каби зотлар атрофида қанча одамлар парвона бўлмасин,улар ёлғизлик азобини чекардилар (афсуски, ҳозир ҳам шундай). Уни тушунадиган, руҳий мадад бўладиганлар кам эди. Балки бу ҳам бир қонуният, бир фожиали ҳолдир.

Шунда шоир гоҳ фалакдан, гоҳ ўз тақдиридан, гоҳ ёлгизлигидан нолиб шеър ёзарди, аламини асарлари қатига сингдирарди”.[316] Юқоридаги байтда ҳам ана шу мазмунни кўрамиз. Шоир ҳам олам аҳли, ҳам оламнинг ўзида вафо йўқлигидан нолимоқда.

“Хазойин ул-маоний”нинг бошқа девонларида ҳам асосан ана шу руҳдаги қарашлар ўз ифодасини топган. Ғазаллардаги айрим байтларда турли кайфият, кечинма таъсирида дунё, олам, жаҳон хусусида мулоҳазалар билдирилади. Шоир газаллари ва бошқа жанрдаги асарларида дунё сўзи билан биргаликда олам, даҳр, жаҳон, давр, замон, даврон, ҳаёт, дайр, чарх, офок атамаларини қўллайди. Шу сўзлар билан бирикма тарзда улар ҳақидаги тушунчаларни ифодалайди. “Наводир уш-шабоб”да “икки олам”, “тийра олам”, “олами фоний”, “икки дунё”, “даҳр боғи, “даҳр бўстони”, “даҳр золи”, “даҳри дун”, “дояйи даҳр”, “дайри кўҳан” бирикмалари ишлатилган. Олам хусусида эса, зиндон, тийра, ўткинчи, фоний, кесак, бузуғ, вафосиз, бевафо, вафоси йўқ (энг кўп учрайдиган баҳо), фароғати йўқ, ноком, дун, беҳосил, жафочи, бақосиз, захр, заҳри қотил, айёра, хокий, ифлос, фитначи, меҳнати кўп, вайрона сифатлари берилиб, ислом ғоялари таъсирида бу дунёга кўнгил қўймасликка эътибор қаратилади. Шу сабаб бўлса керакки, Навоий бир байтида бу оламни қайтадан яратиш керак деган хулосага келади:

*Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,*
*Ҳақ магарким ком учун бoштин ёротқой оламе.*[317]

Навоий ғазаллари ва бошқа жанрдаги шеърларида дунёнинг бақосиз, ундаги одамларнинг вафосизлиги такрор-такрор таъкидланади. Бу байтдан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин: оламни Ҳақяратади. Агар шу олам бўладиган бўлса, унда “ком” – лаззат, мақсад йўқ. Инсонга мувофиқ оламни Оллоҳқайтадан яратиши керак. Бундай фикрлар Навоий ижодида ҳам, Шарқнинг бошқа кўпгина шоирлари асарларида ҳам кўп бор тилга олинади

Умуман, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги ғазалларда дунё, олам, унинг яратилиши, оламнинг моҳияти, шоирнинг улар ҳақидаги турли муносабати ўз ифодасини топган.

## НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ БАРҲАЁТ

**ХОЛДОРОВ Дилмурод**
*ТошДЎТАУ*
*(Ўзбекистон)*

Бугунги кунга келиб инсоният жуда катта тафаккур қувватига, мисли кўрилмаган кашфиётларга эга бўлди. Аммо у ўзининг ўша гўдаклик чоғларидаги тасаввурларидан воз кечолмади. Айникса, қадимги аждодларини таъсирлантирган фожиалар, йўқотишлар, муҳаббат ва ҳижрон олдидаги туйғулар мерос бўлиб қолаверди.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз муҳаббатига эришолмаган, уни қўлдан бой берганлигини англаган Фарҳод:

*Тариқи зулм ё кин мунча бўлғай,*
*Жафо қилмоққа ойин мунча бўлғай! –*

деб нидо қилади. Маъшуқа дардида яшаётган, унинг висолига етишга интилаётган ошиққа килинажак ҳар қандай тўсиқ жуда улкан туюлиши табиий.

Ҳижрон дардида ғам чекаётган ошиқ учун дўст-ёрлар ҳам, борингки, борлиқҳаётнинг номи биргина сўзга – муҳаббатга айланади. Муҳаббатга раҳна солиш, унинг йўлига тўғаноқ бўлиш энг оғир гуноҳ – зулм қилиш, қалбига жафо етказишдир.

[316] Комилов Н. Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси. // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2012. 6-сон. 5-бет.
[317] Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 томлик. 4-том. -Тошкент: Фан, 1989.418-бет.

Таниқли ёзувчи Назар Эшонқулнинг "Тун панжаралари" номли қиссасига Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги "Бошимға, кўрки, не тун келтурибсен…" мисраси эпиграф қилиб олинган. Бу бир жиҳатдан икки асарнинг ҳам биринчидан, муҳаббат фожиаси эканлигига далолат қилса, иккинчидан, муҳаббат деб аталмиш тилсим, ошиқлик мақоми ҳамма замонларда барча ошиқларда бирдек кечишига ишорадир.

*Ажал тиғин чекиб сурсанг не бўлди,*
*Мени бир қатла ўлтурсанг не бўлди!*

Ошиқларга азалдан мажнун сифатини берадилар. Жунун аҳли учун эса бу дунё, жорий турмуш қонун-қоидалари нолга тенг. Улар ҳамма нарсани муҳаббат қаричи билан ўлчайдилар. Муҳаббат йўлида ўлимни ҳам афзал биладилар.

Фарҳод ўз даврининг барча илмларини, ҳунарларини пухта эгаллаганидек, "Тун панжаралари" қиссаси қаҳрамони ҳам маърифатли одам. У илмий тадқиқот ёзаётган киши, журналда ишлаётган зиёли кимса. Шу учун ўзбек адабиёти тарихи билан ҳам, жаҳон санъати ва адабиёти тарихи билан ҳам яхши таниш. Қаҳрамоннинг ўтмишида, хаёлининг бир бурчакларида қолиб кетган Робия исмли бир муҳаббат тимсоли бор. Уни Терсотанинг катта тош йўли чеккасига ташлаб келган.

Ҳаёт сўқмоқлариаро адаша-адаша маълум бир манзилга келган қаҳрамон ортига нигоҳ ташлайди. Англайдики, у етиб келган манзилга қадар ортидаги ягона чироқ ёритиб турибди. Бу ўша – биринчи муҳаббат аталган чироқ. Лекин босиб ўтилган йўлни, вақтни орқага қайтариш мумкин эмас. Фожиа шунда. Фарҳод:

*Қай-у тун, қийргум минг деви хунхор,*
*Мени қилдинг буларга қатл учун хор, –*

Дея ўз қисматидан нолиса, қисса қаҳрамони: "Сен нега мени ёлғизликнинг йиртқичкузғунларига ташлаб кетдинг? Қайси гуноҳларим учун қалбимдаги умид ва ишончни, орзу ва даъватни ўғирладинг? Нега ажр-у салтанатингга учиб борадиган қанотимни қирқиб олдинг? Нега мени умидсизликнинг оч айиқларига ем қилиб ташлаб кетдинг? Ахир сендан буни сўрамагандим-ку?" – каби саволлар ва изтироблар гирдобида ўртанади.

*Бошимға, кўрки, не тун келтурубсен,*
*Демон тун, не қаро кун келтурубсен.*

Байтдан англашиладики, ўз севгиси ҳажрида ёнаётган лирик қаҳрамонга фақат тун қора эмас, балки ҳаётнинг ўзи ҳам тундай қоп-қора.

Ўз севгиси ҳажрида ёнаётган лирик қаҳрамонга фақат тун қора эмас, балки ҳаётнинг ўзи ҳам тундай қоп-қора.

Қиссадаги қаҳрамоннинг орзу-хаёллари саробга айланган, ҳаётдаги ўз ўрни, муҳаббатини тополмай: "Шунинг учун ҳам ортга қарасам, изсиз ўтган кунлар ва умидларнинг харобасини, олдга қарасам, саробдан иборат саволлар салтанатини кўраман", – деган сўзлари ҳам юқоридаги байтда билдирилган фикрнинг насрий кўринишидир.

Хуллас, орадан қанча асрлар ўтишига қарамай, Ҳазрат Навоий тасвирлаган ишқ-муҳаббат, висол ва ҳижрон каби туйғулар турли жанр ҳамда услубларда бутун моҳияти билан намоён бўлаверади.